



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 6-noyabr №45 (4340)



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

БЕЗАВОЛ ҚЎРҒОН

Биз ҳар йили халқимиз ҳаётидан алоҳида ўрин олган қутлуг байрамлар қаторида эркин ва обод келажагимизнинг пойдеворини белгилаб берган Конституциямиз қабул қилинган кунни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаймиз. Истиқлол кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларимизни, урф-одатларимизни тиклаш орқали халқимиз қалбига нур олиб кирди. Зеро, аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўзининг гоё ва нормаларига чуқур сингдирган Конституциямизда халқимизнинг орзу-интилишлари, ижтимоий онги, маданий ҳаёти, ҳуқуқ ва бурчлари акс этган.

Уммонда сузаётган кеманинг дарғаси барча йўловчиларнинг ҳаётига жавобгар. Чунки қутилмаган пайтда шомол туриб, тўфон кўтарилиши, тоғдай-тоғдай тўлқинлар олдиндан тайёргарлик кўриб қўймаган ҳар қандай кучни шошириб қўйиши мумкин. Ортбошимиз Ислон Каримовнинг **“Юксак маънавият — енгилмас куч”** китоби айнан истиқлол гоёси, ватанпарварлик ва юртсеварликдек юксак туйғуларни ўз юра-гида жо этиб, она юртини жону дилидан се-вувчи ҳар бир ватандошимиз учун гоёт қадр-ли дастуриламалдир.

Олам айвонидаги тўфонлар инсон болаларини хавотирга солмоқда: Қатор мамлакатлардаги ноинсоний ишлар ва кўргуликлар — бугунги замоннинг қалқиларидир! Ана шундай пайтда мамлакатимиздаги оқсоқоллик учун биз шукроналик билан миннатдор ашмоғимиз керак.

Бу ҳақда рисолада: “...инсониятнинг кўп минг йиллик тақрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамла-катни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойлик-ларини эгалламоқчи бўлса, авваломбор уни қурорси-лантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий

қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади...

...Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қан-дай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъ-минлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айлани-ши ва охири оқибатда жамиятнинг инқирози-га олиб келиши мумкин”, дейилган.

Бу башорат нечоғлик ҳақиқат эканлиги дунёдаги тахликали мамлакатлар бошидан кечираётган сиёсий инқирозлар мисолида ҳам намоён бўлмоқда. Ҳар қандай хатарнинг миқёс ва кўламларини идрок этмасдан уни бартараф қилмоқчи бўлсангиз, мўлжалланган самарага эриша олмайсиз.

Ахборот хуружининг асоратларини давлатимиз раҳ-бари алоҳида таъкидлаганидек: “...бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсасга лоқайд бўлган шахсга айлан-тиришга қаратилганида намоён бўлмоқда”. Шу боисдан бугунги сертахлика дунёда ҳар биримиз огоҳ ва ҳушёр бўлмоғимиз гоётда муҳим ва зарурдир.

Ифтихор

ФАЙЗУ ФАРОҒАТ ШУКРОНАСИ

Бир бўлак нон

— Тўхтанг, — деди унга укаси, — бир пас тўхтанг, нонни менам кўтарай.

— Бугун нон олиб келиш менинг га-лим, эртага сен кўтарасан.

— Бўлмас ушлаб кўрсам бўладими?

Акаси болакайга нон бўлагини уш-латди.

— Юмшоқ экан, — деди укаси. Кейин нонни хидлади, кўзларини юмди, қилт этиб ютди:

— Сиз ҳам уш-лаб кўринг.

Акаси ҳам нонни ушлаб кўрди. Уям укасининг га-пини такрорлади:

— Юмшоқ экан.

— Устидаги бўлагидан бир тишлам берайми? — деди ака укасига.

— Ойим билиб қолса бизни уриша-ди-ку.

— Билдирмаймиз. Бу бўлакни ойим билмайди-ку. Нонни тортиб кўришга тарозиси ҳам йўқ. Ма, бир тишлай қол...

Ука нондан бир тишлади. Қолган бир тишламни эса акаси озига солди.

Ким эдигу ким бўлди

— Ака, эртага менинг галимда ҳам шунақа қўшимчаси бўлармикан?, — деди укаси ноннинг мазасини яхшироқ билмоқчидай узоқ чайнаганча.

— Билмадим, — деди ака ҳар доим-гайдай, кейин қўшиб қўйди. — Баъзида бизга тортиб бераётган нонни кўп чиқса кесиб олишди, етмай қолса қўшиб бе-ришади. Ойимга айтмайсан-а?

Укаси ҳар доимгайдай бош силкиди.

Шу топда икка-ласининг хаё-лида битта нар-са эди: “Эртага ноннинг яна

шунақа қўшимчаси бўлармикан?...”

Бу отамнинг бизга болалиги ҳақида айтиб берган эртақларидан бири. Отам-нинг болалиги уруш даврига тўғри кел-ган. Аммо шунчалик қийинчиликлар кўрганига қарамай отам раҳматли ҳеч қачон ношукрикл қилмас, ҳар қандай вазиятда ҳам бизга сабрли бўлишни ўқитардилар.

Давоми иккинчи саҳифада.

Ўзувчилар уюшмаси вилоят бўлимларида ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Ўзбекистон Республикаси Конститу-цияси қабул қилинган куннинг 23 йил-лиги муносабати билан мамлакатимиз-нинг барча вилоятларида Ўзувчилар уюшмаси томонидан адабий тадбирлар ва учрашувлар ўтказилмоқда. Бухоро вилоятда бўлиб ўтган шундай тадбир-ларда шоирлар, ўзувчилар, жамоатчи-лик вакиллари ва талаба-ёшлар ишти-рок этди. **“Адабиётга эътибор — маъ-навиятга, келажакка эътибор”** мавзу-ида республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимининг матбуот залида ташкил этилган мазкур адабий анжуман яратиб, янгилашти, озод ва обод Ватанга дахлдорлик туйғусига уй-ғунлиги билан йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирни вилоят ҳокимининг маъна-вий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчи-си Зафар Комилов очиб, барчани ақил-лашиб келатган улуг айём билан му-

борақбод этди. Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси раиси, Халқ Ўзувчиси Мухам-мад Али адабиёт аҳли учун мустақил-лик шарофати билан яратилган сўз эр-кинлиги, ижодий имкониятлар, давлати-миз раҳбари томонидан адабиётга, ис-теъдодли ёш ижодкорларга кўрсатила-ётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар ҳақида сўзлади. Президентимизнинг **“Ўзбекистон мустақилликка эришиш ос-тонасида”**, **“Юксак маънавият — енгил-мас куч”**, **“Адабиётга эътибор — маъна-виятга, келажакка эътибор”**, **“Она юрти-миз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодат-дир”** номли китоблари ўзувчи-шоирла-римиз, истеъдодли ёшларимизга истиқ-лол гоёларини ўрганиш ва тарғибот этиш-да муҳим дастуриламал бўлаётганини таъкидлади.

Давоми иккинчи саҳифада.

Давоми иккинчи саҳифада.

Замонавий ўзбек насри ўзининг бой анъаналари ва бу адабий турдаги дунё бадиий тафаккури намуналари билан бўйлашадиган асарларига эга. Истиқлол йилларидаги ижод эркинлиги насримиз имкониятларини кенгайтди. Адибларимиз катта журъат билан тарихий мавзуда муҳташам асарлар яратдилар, насрининг барча жанрларида ҳам анъанавий, ҳам янгича услубларда эмин-эркин ижод қилдилар. Қарийб чорак аср мобайнида яратилган икки юздан зиёд роман, минглаб қисса ва ҳикоялар мустақиллик даври ўзбек насрининг салоҳиятидан далолатдир.

НАСР: БУГУН ВА ЭРТАГА

Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси-нинг ташаббуси билан йўлга қўйил-ган ижодий мулоқотларнинг бу га-лисис — **“Наср: бугун ва эртага”** деб номланган давра суҳбатида адаби-ёшшунослар, ўзувчилар, мунаққид ва тадқиқотчилар кизгин гурунгла-шиб, талайгина масалаларга оидин-лик киритишди, баҳс-мунозара

қилишди. Хусусан, насримизнинг бугунги адабий жараёндаги ўрни, юзага келатган адабий-эстетик тенденциялар, умуминсоний муам-моларнинг бадиий талқинлари, кўнгилочар **“бозор адабиёти”**га му-носабат, ёш насирларнинг ижодий тажрибалари каби кўплаб мавзу-лар ушбу давра суҳбатининг маз-

мун-мундарижасидан ўрин олди. Глобаллашув жараёнида ўзувчининг позицияси, замондошларимиз ҳаётида, онгу тафаккурида рўй бе-раётган ўсиш-ўзгаришлар насрдаги бугунги изланишларда қай даража-да акс этаётгани ҳам мулоқот чо-ғида сўзга чиққанларнинг диққат-эътиборида бўлди.

Давра суҳбати

Албатта, бир давра суҳбатида қизгин кечаётган ижодий жараён-га, хусусан, насрдаги ютуқларни тўла-тўқис шарҳлаб бериб бўлма-ганидек, бу борадаги камчилик-ларнинг сабабларига ҳам батафсил аниқлик киритишнинг илоҳи йўқ. Бироқ **“Наср: бугун ва эртага”** мав-зусидаги мулоқот бундай тадбир-ларнинг адабий жараёнга, насри-миздаги янгиланиш, ўсиш, ўзувчи-ларимизнинг янада фаоллашиши-га самарали таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси Наср ижодий кенгаши раиси, таниқли ўзувчи Абдуқайюм Йўлдошев олиб борди.

Давоми тўртинчи саҳифада.

ЯХШИ КИТОБ БАЙРАМДИР

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи **“5-синф Мактаб адабиёти хрестоматияси”** саккиз жилдлигини нашрдан чиқарди.



Содик дўст, туганмас хазина, етук раҳнамо... Бу таърифлар инсониятнинг буюк мўъжизалари-дан бири — китобга берилган, албатта. Дарҳақи-қат, болаликдан китобга ошно бўлган инсон учун унинг баҳоси йўқ.

Тасаввур қилинг, болакай тунда янги ўйин-чоғини қучоқлаб ухлади. Тонгда эса у **“қиммат-ли нарсасга эгаман”** деган қувончбахш туйғу билан уйғонади. Китоблар ҳам инсонга гўдак-ликдан таниш мана шу севинч туйғусини так-рор-такрор ҳада этди. Яхши китоб байрам-дир, дейди китобсеварлардан бири. Дарҳақи-қат, ҳар гал ўзимизни қизиқтирган мавзудаги янги китобни қўлга олганимизда кўнглимиз се-винч ва ҳаяжонга тўлади.

Одатда, адабиёт хрестоматияларида асарлар-

этилгани ўқувчиларга дарсликка киритилган жа-хон ва ўзбек адабиёти намуналарини тўлиқ ўқи-б чиқиш имкониятини беради.

“5-синф Мактаб адабиёти хрестоматияси” би-

ринчи жилдига Эзоп масаллари, Ханс Кристиан Андерсеннинг **“Булбул”**, Нодар Думбадзенин **“Хелладос”**, Анту-ан Сент-Экзюпе-рининг **“Кичкина шахзода”** асарла-ри киритилган. Иккинчи жилдда

эса эртақлар, мақоллар, топишмоқлар жамланган. Муқимий, Абдулла Авлоний, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари таниқли ўзбек шоирларининг шеърӣ романи тўртинчи китобдан ўрин олган. Қолган жилдлардаги бадиий асарлар ҳам мактаб дарслигига мувофиқ тарзда берилган.

Нашриёт **5-, 9-синф** дарсликларига киритил-ган барча адибларнинг асарларини тўлиқ шакл-да 44 жилдга жамлаб, чоп этишга киришди. Ўзига хос, чиройли дизайндаги бу китоблар фарзанд-ларимиз кутубхонасини тўлдирди ва, албатта, ёш китобхонларнинг тафаккурини чарқайди, қалбини эзгу мақсадлар билан бойитиб, эстетик дидини тарбиялайди.

Ушбу нашрлар адабиёт фани ўқитувчилари учун ҳам муҳим қўлланмадир. Улар дарс жараё-нида мавзун янада қизиқарлироқ ёритиб бери-ши учун ўқитувчиға яқин қўмакчи вазифасини ўташи шубҳасиз.



Бошланиши биринчи саҳифада.

Нақшбандия тариқатининг беназир намоян-даси Шайх Маҳмуд Асъад Ҷўшон ҳазратлари: “Ул балиқлар, ки дарё ичрадир, дарёни билмаслар!” деб хитоб қилади. Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатимиздаги осийишталик, турмуш фаровонлигининг йил сайин яхшиланиши, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари ортиши аксарият ҳамюртларимиз учун оддий ҳолга, кундалик кўникамага айланиб қолаётганини кузатиш мумкин. Аммо турмушимиз осийишталиги бепарволикка, хотиржамликка асос бўла олмайди. Қачонки биз юртимизни жондан сева

— Чунки мен ҳар кун эрталаб ўзимга “Бугун мен Ватанимга қандай фойда келтираман?” — деб уйдан чиқаман. Чунки давлат бой бўлса, унинг фуқаролари фаровон, хотиржам яшайди. Банкдаги пулимдан эса, давлат фойдаланаяпти. Мен бундан хурсандман.

— Ахир бир кун бўлмаса, бир кун дунёдан ўтсангиз ҳамма бойлигингиз давлатга қолади-ку! Меросхўрингиз бўлмаса, пулларингизга ачинмайсизми? — дедим.

— Ахир бу яхши-ку! — деди у...

Менга гурунг бераётган йигит: “Корейслар Ватани ана шундай яхши кўришади!” — деди ва жим бўлиб қолди.

Ватанпарварлик бизнинг ҳам қон-қонимиз-

ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги “Ижод” жамоат фонди ижро-чи директори Ш.Ирзоев, Халқа-ро адабий алоқалар ва бадийий кўлими ижодий кенгаши масъ-ул котиби А.Алимов, Ёзувчи-лар уюшмаси поликлиникаси бош шифокори А.Ражабов ва бошқа ижодкорлар “Кексаларни эъзолаш йили” Давлат дастури-нинг ижроси юзасидан Ўзбекис-тон Ёзувчилар уюшмасида амал-га оширилаётган ижодий ва таш-килий ишлар, кекса ижодкорлар-га кўрсатилаётган эътибор, улар учун яратилган шарт-шароит, “Дўрмон” ижод уйида бўлиб ўтган ёш ижодкорларнинг “Истеъдод мактаби” республика семина-ри якунлари ҳақида гапирдилар. Жонли ва ҳаётӣ мисоллар во-ситасида Конституцияимизнинг адабиётимиз ривожига аҳамия-тини эътироф этдилар.

Тадбир якунида ташкилий ма-сала кўрилди. Ёзувчилар уюшма-сининг Бухоро вилояти бўлими раҳбари сифатида узоқ йиллар самарали фаолият олиб борган таникли шоир ва журналист Тош-пўлат Аҳмад нафақага чиққанли-ги боис уюшма аъзоси, шоир Шодмон Сулаймон Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими раҳбари вазифасига та-йинланди.

Уюшма муассислигида чоп этиладиган мамлакатимиз ёшларининг адабий-ижтимоий наشري — “Ёшлик” журнали ҳам ёш, истеъдодли қаламкашлар-



га муносиб минбар бўлиб кел-моқда. Қувонарлиси, журнал хо-димлари фақат тахририятга тақ-дим этилаётган асарлар билан кифояланиб қолмасдан, юрти-миз бўйлаб ижодий сафарлар уюштироқда, янги-янги истеъ-дод эгаларини излаб топишга ҳаракат қилмоқда. Журнал ижо-дий гуруҳи Ўзбекистон Ёзувчи-лар уюшмаси томонидан таш-кил этилган “Истеъдодли ёшлар — юрт таянчи” шиори остида Сирдарё, Жиззах вилоятларида бўлиб ўтган тадбирларда қат-нашдилар. Айниқса, Гулистон Давлат университети, Жиззах педагогика институт, шунинг-дек, бир қатор коллеж ва лицей-ларда бўлиб ўтган учрашувлар самимий суҳбатлар, савол-жа-воблар ва фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Учрашувлар давоми-да “Ёшлик” журнали бош муҳар-рири, шоир Нодир Жонузоқ Пре-зидентимиз Ислам Каримовнинг “Она юртимизнинг бахту иқбо-ли ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодат-дир” китобининг ёшлар ҳаёти ва фаолиятидаги аҳамияти, бугун мамлакатимизда олиб борила-ётган ёшларга оид давлат сиё-сатининг мазмун-моҳияти, ёшлар адабиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ўз фикр-му-лоҳазаларини билдирди.

Жиззах вилоят театрида “Ёшлар — гиёвандлик ва терро-ризмга қарши” мавзюда ўтка-зилган тадбир ҳам ёшларда кат-та таассурот қолдирди.

Ахборот хизмати.

“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ”

2015 йил, 5-сон



бу борадаги ютуқ ва камчиликлар ҳусусида баҳс юритилган И.Ҳаққолов-нинг, “Назм ул-жавоҳир”нинг жанрий хусусиятлари тадқиқига бағишлан-ган А.Абдуллаевнинг тадқиқотлари мумтоз адабиётимиз мулласларида катта қизиқиш уйғотиши аниқ, “Илмий ахборот” рукини остида берилган йигир-мага яқин мақолада филологиянинг турли мавзулари ўрганилган. Чунон-ки, дидактик шеърятда каломи жомӣ (З.Мамажонов), халқ достонлари-да шарт ва синов мотивлари (Ш.Назаров), фалсафий-саргузашт роман (Д.Тўраев), миллий колорит ва бадий талқин (Г.Қўрамов) сингари ада-биётшунослик ва тилшуносликнинг долзарб масалалари ёритилган илмий изланишлар журналнинг ушбу сони мазмунини бойитган.

Атоқли адабиётшунос, фольклоршуносларимиз Ҳамиджон Ҳомидий, Саидбек Ҳасан, Ҳайитбой Мирҳайдаров, Хошимжон Раззоқов, Ҳамид Сулаймон ҳаёти ва илмий фаолият ҳақидаги мақолалар, самимий дил сўзларини ҳам журналнинг ушбу сониде ўқийсиз.

Журналларни варақлаш

“Ёшлик”

2015 йил, 9-сон


Журналнинг “Дебюта” саҳифаси-да ўқиймиз: “Журнализмнинг ушбу сонидеги бадий асар ва ма-қолаларни ноёб ҳодиса — халқнинг имун тизими, ўзлигини асраш, янада мустақамлаш масаласи биланлаштириб туради”. Дарҳақиқат шундай. “Қамолот” ёшлар ижтимо-ий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниевнинг суҳбати, на-вқирон авлодга сабоқ бўлгули “За-монвий ёшларга 20 ўғит”, ёш ар-хитектор К.Мамадалиев илмий-ижодий изланишлари ҳақидаги мақола мазмунан бир-бирини тўлдирди, эзу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларга рағбат беради.

Гулжамол Асқаровнинг бир тур-та кум шеърларини, Шодиқул Ҳамро-нинг “Қақнус қанотидаги умр” қис-сасининг давомини ҳам ушбу сон-

да ўқийсиз.

Қорақалпоғис-тонлик ёш ижодкорлар-нинг шеърла-рини Рустам Мусурмон тар-жима қилган. Ёш носир Байрам Айт-муроднинг бир жуфт ҳикояси ва бу ҳикоялар ҳақида ёзувчи Ш.Бўтаев, адабиётшунос М.Қўчқорова ва та-дқиқотчи С.Қўрамовнинг фикр-му-лоҳазалари билан танишасиз.

“Устозлар албомуна” рукинда таникли адиб Тоғай Муроднинг суратлари ва у ҳақда устозлари, тенгқурларининг, адабиётшунос-ларнинг мухтасар дил сўзлари, ёзувчининг ўзи ҳамда адабиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан иқтибослар берилган, уларда муҳрланган умр лаҳзалари ижод-кор қиёфасини тўлароқ тасаввур қилишга имкон беради.



Бошланиши биринчи саҳифада.

Мустақилликнинг илк йиллари эди. Укаларимдан бири: “Мен ҳам чет элга кетиб ишлайман”, деб қолди бир кун. Шунда отам: “Четни нима қила-сан болам, ана Тошканга бор истаган-ча иш топилади. Алишер Навоий бо-бонимиз ҳам “Мусофир бул Ватан ичра бўл”, деган. Ўшма қилсан ўзга юрт-ларда сарғайиб. Бу қийинчилик кун-лари ҳам ўтиб кетади. Эндигина мус-тақил бўлдиқ. Озгина сабр қилсала-ринг, эҳ-ҳе, ҳали ҳаммаси олдинда”, деганди.

Отанинг гапи билан укаларим Тошкентга келиб уй кураётганларга шоғирд тушишди. Айни пайтда шу қасб-корининг ортидан фарзандлари-ни боқаяпти. Энг сўнгги дизайндаги ҳашаматли уйларнинг гиштини те-ришдан тортиб пардоз-андозини жой-жойига қўядиган қўли гул устага айланишди. Қувонарлиси, ҳамюртла-римиз яшаётган чиройли, кўркем уй-ларда, кишлоғу шаҳарларимизда қурилаётган ҳашаматли биноларда уларнинг ҳиссаси борлигини ўйласам фахрлиб кетаман. Отанинг бир оғиз “Сабр-тоқатли бўлинглар, ҳали ҳаммаси олдинда”, деган гапи билан бугун укаларим ўзга юртларда сар-ғаймади, ўз юртининг гуллаб-яшнаши-га баҳоли қудрат ҳисса қўшишди. Шундай пайтда сабр-қаноатда гап қўп эканини тейанроқ англайман. Ахир, ота-боболаримизнинг иродасию ма-тонати туфайли биз ана шундай са-одатли кунларга эришмадикми?

Жемпер ва оқ-қора рангга телевизор

90-йилларнинг боши эди. Холам-никига меҳмонга борсам, эски кам-зулининг енгини ямаб ўтирган экан. “Ҳа, хола, нима қўйяёсиз?” десам, хо-лам: “Улим қийсин, қийсин қийсин, деб ўтиб кетдим. Бу камзул бош фарзан-димдан ҳам каттаёв. Ҳа, озроқ қолди, ҳали омон-омон замонлар келади, камзулимиз ҳам қўпайиб қолар”, де-ганди.

Орадан йиллар ўтди. Яқинда холам-никига борсам бугунгисини очиб қўйла-ги, рўмонларини санай кетди. “Булар-ни қачон қийиб улгураман. Болларим ҳам бозорга чиқса, менга қийим қўта-риб келади. Ҳар қадамимда бозор, бозор тўла хил-хил қийим”, деди. Шу топда камзул билан боғлиқ яна бир воқеа эсимга тушди. Болалгимда онам почта орқали хорижа бюрутма берган ҳинд жемперини почтани ама-ки қорозга қўл қўйдириб ташлаб кет-ган кунни уйимизда нақ байрам бўлганди. Онам жемпернинг ўнгини, буёғини айлантириб, “Худди айтган-имдай жемпер жўнатишди, худди айтганимдай-я, фақат сал ялтироқла-ри кўпроқ экан, ҳа, майли, шунисига-ям шукр, бозордан, дўкдан топила-магандан кейин шунисигам шукр”, деганди. Ўша йили яна бир қувончли воқеа бўлди: илк бор янги оқ-қора те-

левизор сотиб олдиқ. Бунинг эсимда қолгани сабаби йиллар давомида онамнинг жемперига неча йил ўтга-нини билгимиз келса телевизор бил-лан тенгдош эканини, телевизоримиз-нинг ёши нечада эканлигини бил-гимиз келса жемпер билан бирга олин-ганини эслашимизда эди. Онамнинг келинлигида олинган битта жемпер иккита бўлди, деб жуда суянгандик. Лекин ўша жемпер орадан ўн йил ўтиб ҳам учта бўлмади. Онамнинг жемпе-ри авайлаб қийилгани учун йиртил-маса-да, охори тўкилди, телевизорим-нинг бошига урсак кўрсатадиган ҳолга келиб қолганда ҳам янгилема-дик. У пайтлар деярли барча фақат ойликка яшарди. Ҳозиргидек данғил-латиб тўй қилишни, уйни евро усул-да таъмир қилишни орзу ҳам қилол-масдик. Олдиёроқ ишчининг-ку маши-нани орзу қилишга ҳаддиям сиймас-ди. Биз, болалар ҳам қийимларимиз-нинг енгларига ямоқ тушгунча, сум-

базўр очаркан, — мана буниси сочиқ-лари, совунлари...

Шунда ўйладим, йўқ орзу қилдим: қани энди шу сарполар қаторида сан-дик тўла китоб бўлсаю мана бу Аб-дулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”и, Чингиз Айтматовнинг “Жамила”си, мана яна “Уй-рўзгор энциклопедия-си”, дея китобларни кўз-қўз қилиш-са. Китоблар ўрнини эгаллаган ироқи совунлар, китоб ўқиш учун топила-ман вақт ва маблағнинг тур-фа хил пойфазалу бир йилдан кейин урфдан қоладиган ким-матбаҳо қийим-кечаклар учун сарфланганига ичим ачиди. Ҳамма буюмни захираси билан олиш кимга ва нимага керак? Кўчага чиқ-сангиз ҳар қадамда дўкон, ҳар бир дўкунда турфа хил совун. Унча-мун-чага соб бўлмайдиған совуннинг ўндан ортиқ хилини олиш шартмиди? Социқлар-чи? Кайвонилар қўлидаги елим халталари шаддираётган сочиқ

бўлмайди, ишқилиб бизларни ҳам шу кунларга етказсин”, деган гапи хаёл-ларимни тўзғитиб юборди.

— Аввало, қизларимиз ва ўғилла-римизнинг бахтини берсин, — деди қийим тахлаётган аёллардан бири. — Шунча сарпо-суруқ йўғамиз, ҳамма-сини муҳайё қиламиз, лекин баъзида ёшларимизнинг оиласи арзимеган сабаблар билан пароканда бўлади, нимага шундай-а?, — деб қолди,

Ким эдигу ким бўлдиқ

— Битта оиланинг йўлга тушиб ке-тиши учун беш йил керак, битта дав-латнинг давлат бўлиши учун ундан ҳам кўп йиллар керак. Ҳамма нарсига сабр-тоқат билан эришилади-да, ай-ланай, сабрда гап қўп, — деди кекса онахонлардан бири...

— Тўғри айтасиз, бойлик, сарпо-

машинага ҳам эришасан”.

Мана ҳозир машинамиз ҳам бор, ҳар уйда биттадан телевизор. Энг муҳими, илм орқасидан қувиб фан доктори бўлдим... Ҳар гал уйимда бирор янгилик бўлса, онамнинг айт-ганлари ёдимга тушаверади.

Дунёга очиқ кўз билан қараш

Узоқ сафарга кетарканман, бир кек-са отахонга ҳамроҳ бўлиб қолдим. Ҳамроҳинг яхши суҳбатдош бўлса, йўлнинг узоқлиги ҳам билинмас экан. Теп-текис йўлда олиб кетаётган ма-шинадан табиат гўзаллигини томоша қилишдан ҳам кўра, кекса отахоннинг суҳбатини эшитиш менга мароқлироқ туюлди. Энг муҳими, шу суҳбат асно-сида юртдошларимизнинг онгу тафак-куридаги ўзгаришлардан қувондим.

— Аввал бир тийинга гугурт берад-ди-я, деб яқин-яқингача ёзғириб

турли вилоятларида ашайдиган кур-сдошлар ана шундай учрашувларни ташкил қила олармидик? Биз ўқган институт шунчалар ўзгариб кетганки, ҳовлисига гуллар экилган, ичида энг сўнгги русумдаги ҳижозлар. Бош кўтармай ўқисанг арзийди. 74-75-йил-лардаги талабаларимизни эсласам ҳўрлим қелиб кетади. Ҳўжабирдай фарзандли акамга фақат Тошкентга етиб олишимга пул берсангиз бўлди, дердим. Акам бечора зўрга ўшани топиб беради. Кейин буёғига дарс-дан бўш пайтимда бозорга чиқиб иш-лаб пул топардим. Битта шимим бўларди. Авайлаб қиярдим. Ҳозирги талабаларини қаранг. Қачмоқдай қий-инади. Қўлида сўнгги русумдаги те-лефон, ноутбук. Бугунги замон фақат меҳнат қилганини. Ишлаган одам қасрай ўй қуриши, қўша-қўша маши-на олиши мумкин. Боқимандалик кай-фиятидан қўтила олмаган одам эса ҳар қанақа замонда ҳам қийналиб яшайди. Мана ҳозир 3-4 та қорамол-миз, қўйимиз, юзга яқин парранда-миз бор. Аввалги пайтларда мана шундай даромад олишни ўйламаган-миз-да, ўйлаган тақдиримизда ҳам йўл беришмаган.

Қаердадир: “Дунёга очиқ кўз билан қараш керак”, деган иборани ўқига-нини эслайман. Ҳа, юртдошларимиз дунёга очиқ кўз билан қарашни ўрган-ганига анча бўлган. Ҳар сафар давра-ларнинг тўрида ўтирган отахону она-хонларнинг замонамиз тинч, турмуши-миз фаровон бўлсин, дея дуога қўл оч-ганини кўрганимда аслида сабр-ма-тонатли ота-оналаримиз, бобо-момо-ларимиз туфайли биз ана шундай бах-тли кунларга етмадикмикан, деб ўйлаб қолам. Шу топда Алишер Навоий-нинг “Маҳбуб-ул қулуб” асаридеги бир ҳикоят ёдимга тушади: “Уруғни қара. Олдин унинг ҳаммаёғи лойга, чанга беланади. Ерга қадалгандан кейин қаттиқ ерни ёриб, қийинчиликларга сабр-тоқат билан чидаб, юзгага чиқа-ди. У забардаст дарахт бўлади, мева тугади, қанча-қанча одамларнинг ҳожа-тини чиқаради. Ҳар қандай ишининг, ҳар қандай ютуқнинг камчилиги бўла-ди. Унга сабр-тоқат қилган инсон кей-ин роҳат-фароғатда яшайди”. Мен Ўзбекистонни сабр-матонати туфай-ли кичкина уруғдан катта ва азим да-рахтга айланган серхосил дарахтга қиёслагим келади.

Халқимиз ҳар қандай қийинчилик-ни сабр-матонат билан енгиб, шукр қилиб яшагани учун ҳам бугун ҳаёти-миз фаровон, осмонимиз беғубор. Айни пайтда дунёнинг қаерларидадир арзимеган қийинчиликларни рўқач қилиб ношукрлик қилаётганларга қарата: “Дунёга очиқ кўз билан қаранг. Бу ҳаёт инсонга бир марта берилади. Нима учун биронингиз жон, яна би-рингиз шир талашасиз. Тинчликдан ҳам катта бойлик борми дунёда. Озроқ сабр-қаноатли бўлинг. Ахир бардошлуга тоғлар эгар бошини”, дегинг келади.

Барно СУЛТОНОВА

ФАЙЗУ ФАРОҒАТ ШУКРОНАСИ

каларимиз қайта-қайта тики-либ, ичидан дафтар-китобла-римиз тўкилиб қолмагунча ту-тиб юраверардик. У пайтлар ўқувчилар мактаб бозорига чи-қиб ҳар йили сумкаю энгил бо-шини янгилемаган. Ҳозир фарзандингизни ўтган йилги қийимини ёки сумкасини ту-тишга кўндириб кўринг-чи? Бундан йигирма йиллар олдин мактаб бозори деган гап бор эдими? Мактаб учун алоҳида бозор қилинмасди, олинса дафтар-ручка, жуда илоҳи бўлмай қолган жойга папка олиб бериларди. Ўёғига ака-опаларимизнинг кичик келиб қолган қийимини йиртилиб

адо бўлмагунча қийиб юраверардик. Баъзида ўйлайман, сабрнинг тағи сариқ олтин дегани шу эмасмикан?

Эҳтиёжларимиз юки ва яна сабр...

Бир тўйда (ҳамма тўйдаям) уй тўла хотин-халаж келин-качкинг сеп-сарпо-сини ёйишди. Аёлларнинг юз-кўзида қизиқиш, қизиқшдан ҳам кўра ҳавас, орзу-ният, кўз олдиларида боғча, мак-таб, институтдаги қизлари, қизалоқ-ларни, кўнглида “сарпо йиғишни шу кўндан болашим керак”, деган по-ёни йўқ истак...

— Мана буниси хорижини қўйла-ги, пойфазали ва уларга мос сумка, — дейди сепни кўз-қўзлаётган кели-нойи.

— Сумка ҳам чет элники, — дея изох беради икки боланинг онаси бўлмиш келиннинг онаси.

— Пардоз учун бўянадиган анжом-лар, — қўшимча қилади қўшнилардан бири тош солингандек оғир сумкани

тахламини санашга тушаман: бир, икки, уч...етти, саккиз...Саноқда ада-шиб кетаман. Нега бунча қўп? Социқ-ларимни қачон олганимни эслашга ҳаракат қиламан, эсполмайман, била-манки юз-қўп сочиқни уч, катта со-чиқларни беш йиллаб ишлатамиз. Оналарни ҳам тушунгимиз келади. Ахир, қизимиз бозор жойида уялиб қолмасин, деймиз-да. Аммо куду то-мон-чи! “Вой қизини икки жуфт сочиқ билан ҳам узатадимми?”, деган иддао-ларни, кесатикларни эшитганмиз-да. Қизим тиниб-тиниб кетсин, майда-чуйда гап қўпаймасин, деб оналар қизининг бахтини ўйлаши мумкин, яна бир марта уларни тушунишга ҳаракат қилиб кўраимиз. Аммо куду то-мон келин томондан келадиған дас-турхон, сочиқ ва совунларга қараб қолганими? Ёки қизларимизни Марс-га узатаёпмизми, ўзга сайёрада ушбу буюмлар бўлмаса? Ҳа, айтганча мав-зудан чалғиб кетдим, шекилли...

Аёллардан бирининг: “Вой-воей, бунча сарпо-суруқни йиғишнинг ўзи



Алишер ИСРОИЛОВ (Ўза) олган сурат.

Гулчехра ЖҲРАЕВА

ЯХШИЛАР КАҚРТИДА

ЧЕМПИОН
БОЛАЛАРГА

Ақл ёшда эмас, дейдилар, бошда,
Она сути билан кирар заковат.
Кимлигин билдирар бола бошидан,
Балки бу тангридан келган марҳамат.

Балки даҳо руҳи кезади қонда,
Ўзгача тафаккур, ўзгача идрок.
Имконлар меваси бор митти жонда,
Куч-қувват синашда енгилмас бироқ.

Санъатми, шахматми — бариси меҳнат,
Интилган юракка толе муносиб.
Ғолиблар кўпайсин, бўлсин саломат,
Барча қора кўзга бахт этсин насиб.

ЭНГ ШИРИН СЎЗИМ

Сўзлар сандигини очиб изладим,
Сенга муносиб сўз, балки бўлмади.
Бир умр ўйладим, севиб қўйладим,
Барибир, барибир кўнглим тўлмади...

У шундай туйғуки, ҳисларинг оташ,
Юрак уришидан таралган садо.
У шундай туйғуки, томирга туташ,
Сўз ожиз, виждон ҳам иймондан пайдо!

Шу сўз деб яшадим, яна яшарман,
Оллоҳ берар бўлса юздан ошарман.
Сўзлар сандигини очарман қайта,
Мен уни топарман, тошум, албатта!

Дунёда энг ширин сўзимсан, Ватан,
Алосиз меҳримнинг ўзисан, Ватан.

ЎЗИМ БИЛАН СУҲБАТ

Кўзунинг олдида сирлашдик яна,
Тикилиб қарадим ўзимга ўзим...
Эҳ-ҳе, қани ўша чехраси ойна,
Қошлари қундузу кийриги узун...

Йўқ, ачинма ҳеч, борингга шукур,
Ҳаёт хоҳишинга бўйсунмас асло.
Аччиқ ва шириндан татиб бир умр,
Босган изларингга айтти тасанно!

Митти қорачиққа ситган бу дунё,
Ҳикмат ҳам, гурбатни чиқарган ўйлаб.
Гуручдан қурмакни ажратгунча то
Оқарган хаёллار қўнар соч бўйлаб.

Яхшилар кифтида турган бу замин
Яхшилик фанидан берди сабо, дарс.
Тақдирда бор экан ҳуррият замон,
Армонсиз онасан, қилгудек ҳавас.

Ватан илҳом берди тинчимас юрак,
Бекор ўтирмадинг қараб осмонга.
Эл-юртта ишлади ақл ва билак,
Бугун етиб келдинг роҳатижонга.

Болаликда сени "Олов" демишлар,
Учқундек учардинг ҳар ёнга сачраб.
Энди қадамларинг сипо, юришлар,
Энди чополмайсан оҳудек сакраб.

Йилларим, йўлларим деди менга "Ёз",
Қаламлар учини йўниб толдирдим.
Туйғулар тўкилиб тўлдирди қоғоз,
Зариф ёшлигини шеърда қолдирдим...

Назокат ШАРИФБОЕВА

Илк танишув

КЎНГЛИМНИНГ
ХУСНИХАТИ

ОНА ТИЛИМ

Асрлар тўфонидан,
Омон ўтган тилимсан.
Фахр-ла қўйлағайман,
Сени жону дилимдан.

Онамнинг алласидан,
Синглинг жону қулоққа.
Ўхшаттайман мен сени,
Манзил сари маёққа.

Ҳар бир сўзинг нақшинкор,
Сенсан поклик даъват.
Сеҳринг-ла қўрқам эрур,
Кўнглимнинг хусниҳати.

АЛИШЕР НАВОЙ

Навоий — буюқ шоир,
Барча яхши билади.
Қўллар ҳавас қилишиб,
Шу исми қўяди.

Алишерлар кўп бўлсин,
Майлига, шеър ёзмасин.
Аммо буюқ исмига,
Асло доғ теккизмасин.

Н.ШАРИФБОЕВА 1998 йилда Хоразм вилоятида туғилган. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси.



ТЎРТЛИК

Шеърлар ёзаман, аммо етолмайман сирига,
Ҳар қайсиси бетакрор, ўхшамас бир-бирига.
Недан шеърда шоирнинг асли кўнгли мужассам,
Сўзлар эса ёнади, тобланса қалб кўрига.

— Майдадан катта чиқса замбаракнинг ўқи бўлар. Каттадан майда чиқса италоқнинг юқи бўлар! Ҳе, ўл-а! Сени одам деб оғзимнинг ховурини шамолга олдириб ўтирибман-а!

Холли чиноқнинг жазаваси жазвоини қовураётти. Алампдан тош чайнаб, ўзича гудраниб-гудраниб ховарга лорсиллаб-лорсиллаб кетмон уряпти, худди ернинг жонини суғуриб оладигандай... Чолнинг бадани чой қайнатапти, лекин ичи музлаб кетаяпти.

— Ҳе, сендай ноқаснинг юкуми, қари хангнинг тўқими. Уруғи паст-да, уққағарнинг.

Чиноқнинг чинтайиб юзингга кўзинг борми, демай гап сермаши, сермагандаям тошмақолга ўраб отиши, бу пайров тегса унча-мунча одамни ағдаришини Сарви хола яхши билади. Итининг феъли эгасига маълум: ҳозир Чиноқ бир соат-ярим соат гуриллаб-ловуллаб ёнади, ўзича бутун дунёга ўт қўяди, ўзи билан ўзи олишади, ўзини ўзи ё енгади, ё енгилари, охири ўзига келади, совийди. Бунга қадар чиноққа эътибор бермаган маъқул, йўқса, яна қутуриб кетади, кампирнинг етти пуштини чарқалаб қилади.

Шу боиски кампир дими-дирс. Жим. Ҳовли жой билан андармон бўлди. Сўнг тол соясидаги супага чўкиб ариққа ташлаб қўйилган кўзанинг муздек сувиға чалоб тайёрлади: зора чили ичиб ичидаги ўт ўчса... Овози ўчмаяпти, ўти қаердан ўчади.

Чиноқ аччиқ устида забт билан ерга кетмон соларкан, меваси хол урган икки-уч дона помидор кўчатига ҳам қирғин келтирди. Икти-ёри ўзидан ташқарига отилгани холи-ҳолатидан биллиниб турарди. Жаҳлнинг жилови узилса ёмон... Чиноқ таг-томиридан узилган помидорларни олиб ховлига, кампир томон иргитди. Кампир кўрмаганга олди, тунка товоқдаги қатикни ёғоч қошиқда дўқиллаш билан овора. "Энағарга барибир. Мен ўламан-

тушди. Бир томон Сарви, бир томон Марям, униси бўлмаса буниси, деб от сурган чақин-чақмоқ дамларини ёдга олди. Ўзиям шамолдай учарди, оёғи остидан ўт чақнарди. Кўпка-рими, курашми қуруқ қайтмасди, бир серкамми, ширбозиними отга ўғариб келарди. Полвоном шу, чавандозам шу! Йигитман деганининг била-ги, қишлоқдаги бўй етган қиз борки гап-гаш-тақдаги элаги эди, ўзиям. Ҳе, уққағар, шу армияси қаердан чиқди, кетди ҳарбийга. Уч йил деганда қайтди. Эшитган гапи шу бўлди: "Марямни гуччи мироб (ҳозир кал) илиб кетибди. Дунёнинг ярми бўшаб қолди. Тонг сахардан Сарвининг уйига йўл олди. Шунданам қуруқ қолса, бу дунё-дун хувиллайди, нураб тушади. Борди. Тўғри уйига кириб борди. Эшик олдида қизнинг отаси Нормат баковулга дуч келди. Баковул лолу ҳайрон бўлди. Аскарни кўргани ўзи йўлга отланиб турувди. Ё қудратингдан, нима бало. Ҳизрми бу бола?!"

— Эй, полвоним келинг, келинг... ичкари-ланг, — қучоқ очган баковул ланг очик останада кўришмаслик учун икки-уч қадам орқага, ҳовли ичига тисланди. Холли останада эн-кайиб ўтди. Баковул Холлини бағрига олди. Ўғлоннинг сими-симбатига боқиб кўнгли ёришди.

— Бово, мен бир юмуш билан келдим, — деди йигит баковулнинг нигоҳига тик боқиб. Баковул саросималанди. Баковул ҳайрон. Холли ҳамон унинг кўзидан кўз узмайди.

— Нима гап, полвон?

— Мен Сарвиға оғиз солдим, бово. Шунга келдим.

Нормат баковул сапчиб тушди. Бундай ов-

дир-шовдир гапни кутмовди. Хангу манг бўлди-қолди. Сўнг базўр ўзини қўлга олиб, ерга бо-

Қўқор НОРҚОБИЛ

ЮРАКДАГИ ЮК

ми, қоламаними, парвойига келмайди..." Чиноқ хотинини ёзгирди.

— Ҳой, берман қара! Нимага гум-гурс бўлиб ўтирибсан? Кўй-кўзининг овозини ўчир... Эшитмаяпсанми? Қулоғинг карми, ҳей-сен-дай... (бураб туриб сўқди).

Кампир учиб ўрнидан турди. Чол йиғиб қўйган ўт-ўланни олиб кўра томон пилдиради. Чол гулдирди:

— Бу уйнинг ташвиши бир менга қолган. Гала гўрсўхтаси!

"Гала гўрсўхтаси ким бўлдикин?", кампир супага қайтиб ич-ичидан қулди: "Бу уйда ҳеч ким бўлмади. Икки қиз худога шуқр, уйли-жойли. Еярман-топарман. Пешонамизга битган якка-ёлғиз улимиз шаҳарда, ўқишда бўлса... Бу йил битиради..."

Сарви хола гўёки супада ўз иши билан андармон бўлган кўйи эрининг ўзига қараб турганини ботинан сездди. "Ҳозир гўмбирлаб гап сермайди. Тажанглиги тошди", — ўйлади кампир. Айтганидай бўлди...

— Ҳой, менга қара! Сенинг шу уруғинг паст-да-а. Паст, уққағар... Шунингги бир синайин дедим. Машшоқдан машоийи ясаган бегой-имчилик қилади, дерди отам. Бунинг шу-да. Барибир насли-насаби қўлмақдан сув инган-лигига борди, уққағар. Юзингга кўзинг борми, демади-я...

Кампир эшити-эшитмаганга олди. Анави мақоли жон-понидан ўтиб кетди. Қаердан топ-дйкин-а бу гапни? "Ота-потаси айтмаган бу мақолни. Бундай мақол-тақол йўқ. Уйинг куй-гур, анави гуччи кал билан "била битиб" қолган иккови. Кўп гапни шундан ўрганиб келади...", деб яниди кампир. Чиноқнинг тағдор чинқирғи кампир учун шамолга шаппати тор-тандай аҳамиятсиз эди. Бироқ ҳадеб ижики-лаб "уруғинг паст" дегани кўнглига оғрик солди. Бир қалқиди. Чолга чимирлиб қаради. Қўлидаги ёғоч қошиқни дастурхонга тарсиллатиб урди. Ўрнидан сапчиб турди.

— Оғзингизга қараб гапиринг. Менинг то-мирим сувга етган. Аждоду авлодим юрт сўра-ган одамлар. Катта бобом бек, отам тўқсобе, тоғаларим полвон ўтган! Наби шу парча ерни бермаса, бермабди, шунга менинг уруғим паст бўлиб қоларканма-а? Наби менга эмас, сизга эмчақдошлиги боридаи шекилли, ҳар жойда Наби деса давлати девим, савлати қуввим, ўзимди уруғимдан ўргилай, деб жавраганингиз-жавраган эди. Нима бўлди? Эй, худо урди кишини... Феълингизга ўт тушсин-а...

Чиноқ ўқ еган айикдай бир қалқиди. Кўз олди қоронғулашди. Ҳамиша кўзи билан ер чизиб эрининг шаштидан тушишини пойлаб-гина турадиган кампирнинг туйқус жағи очилиб, оғзидан палахмон тош отилиши Чиноқ-ни довдиратиб қўйди.

— Мана, чалоб, ичинг... (заҳар маргингизга демокийди тилини тишлади, барибир кўрқди). Мен Нури дугонаникига ўрмакка кетдим. Қўйинг, шу томорқани, ўлсин, соя-сал-қинда ётиб уланг. Ер-ер, деб ўлиб қоласиз, шу ериям бор бўлсин...

Кампир ўзича гудраниб, желагини бошига илиб, қийишқ ёғоч дарвозани гийқиллатиб очиб, ховлидан чиқиб кетди. Чиноқнинг гапи ичида қолди.

Кампирнинг ортидан мулзам бўлиб қараб қолди. Аччиғи-арзи ичида қолиб, бошидан оф-тоб ўтиб, кўз олди тина бошлади...

Чиноқ супа томон юрди. Кампир тайёрла-ган корсон товоқдаги чалобни бир кўтариш-да яримлатиб симибди, қолганига нон тўғраб, ёғоч қошиқни товоққа солди.

Ховури анча босилди. Чалқайрамон чўзилиб, войишда шира боғлаган эртапишар сурха узум-ларга кўз солди. Марям момонинг ҳолидай-хо-лидай бўлиб болга тўлаётган узуммунчоқларга боқиб чол хийлагина илжайди. Эсига ёшлиги

қиб илжайди. Бошқа пайт бўлганда қулоқ чак-касиға қўйиб юборарди, унинг мушти ҳўкизни ағдаришини бутун қишлоқ билади, лекин бу бола, лекин бу бола... Полвонлик озгина дов-дирлик деганларича бор-да, бундай полвонлар-нинг феъли-рўйи баковулга синашта, шунинг учун уни кеңирди, айна дам унга нисба-тан ичи ёришди, меҳри ийиди.

— Хотин, ҳой хотин, полвонбоп битта тўн опчик тез, — овози гулди-ради баковулнинг.

Кампирни чопиб-чопқиллаб Холлининг кел-батига келишчак бўлгучи бекасам опчикди. У ҳам аскар бола билан кўриша-сўраша кетди. Баковул Холлига тўн ёпди.

— Нима дейсиз, бово? — Холли ўтқазиб қўйгандай баковулнинг.

Баковул бош ирғаб илжайди:

— Яхши, шундай бўлади, боравер, болам, боравер, — деди ўзига келиб-келмай.

Холли бошқалар тўғри кириб, тўғри чиқа-диган эшикдан ана энкайиб чиқди, эшикка эгни сигди-ю, боши баландлик қилди. Ичка-рида нималардир деб койинган хотинига заҳ-ри зардоб билан баковулнинг ўшқиргани эшитилди:

— Ўчир овозингни! Сен аралашма! Шундай бўлади!

Ҳа, шундай бўлди. Ҳафта ичида баковул қизини узатди, тўй бўлди.

...Холли чиноқ ўша дамлар хотири вожиб яна илжайди. Кўзларини чирт юмиб тўйдан кейинги ширин-шавқли чоғларни эслади. Обшир адирларига от солиб кўпкари чопган чоғларини ёдга олди. Кураш, кўпкаридан қилиб қавқидан борлиги сархуши-саррин қайтган тунлари Сарвини бир қўлида қўта-риб, дунёнинг энг сулув жувони бўлмиш бу хилқатига боқиб тани-жони сув бўлиб эриб кетган лаҳзаларни ҳам хотирлади. Сарвиам гул-гул очилиб, пари-пайкар бўлиб ноз қилар-ди, қўлида Сарви эмас оппоқ бир оққуш, фа-ришта тургандай бўларди... У қор парчасидай енгил, оқ булутдай паргин эди-да ўзиям. Ҳа, енгил эди. Улар иккаласи ҳам боб хилватида-ги чоғроқ қулбани ўзлари билан бирга олиб юксак-юксакларга парвоз қилишарди...

Холли чиноқ хаёлга ҳай берди. Яна ерга, супа усти, войиш остига қайтди. Бугун-чи? Бугун бир замонлар шабададай енгил гулгун-чанинғи ўш тугул бир оғиз гапи ҳам оғирлик қилиб турибди. Ҳей-эй, дунёи қўтир, сен ҳам инсон билан бирга қўшилиб қарир экансан-да-а, сен ҳам бориб-бориб тажангу танг бўлиб қоларкансанда-а... Чиноқ ўйга толди:

"Кампирни бекор уришдим... Ўзиям ак-мурдашов бўлиб борапман. Энасини эмсин, шу бир парча ерни деб Наби каттанинг ол-дида гўжала бўлиб ўтирибман-а. Бекор бор-дим. Бекор бордим. Бекор бордимми-а? Бе-корга бормадим..."

Шу маҳал ёғоч дарвоза гийқиллади. Қуд-рат почтачининг боши қўринди. Кирсами, кирмасами, ховлида ҳеч ким бўлмагани яхши, изимга қайтиб кетаман, деб турган почтачининг кўнглидагини уққан Наби Холли чиноқ қаҳрини сочди:

— Келавер, келавер. Тайсалламай қиравер. Ётибман. Опеке...

Почтачи супа четига омонат чўқди. Тўрва-сидан бир тахлам пул чиқариб чолнинг ёнига қўйди. Чиноқ девдай гавдасини букиб ёнбош-лади.

— Ҳаммасими?

— Шу-шу, ярми пластикка тушади, бова.

— Буни сўрамаяпман, манами ярми ҳам бутми?

— Шу-шу, бут бова, бут.

Чиноқ уч дона мингаликни олиб почтачи-га узатди:

— Ма... Қўлинг қуруқ қайтмасин...



— Раҳмат, бова, шартмасди...

— Ол, мен айтдим шарт!

— Шу...шу... Момоннинг пенсиясини ҳам оп қоласизми?

— Ана кўрпачанинг тагига соп қўй.

Чиноқ яна узала тушиб войишга кўз тикди.

— Бова, шу...шу момонга икки дона газет ҳам қолдирапман. Момом ўқийди-я. Ўқийди.

Почтачининг бу гапи Холли чиноққа малол келди.

— Ўқийди. Қиладиган иши, ингрангидай ка-сали бўлмагандан сўнг ўқийди-да, — ўйиб олди чиноқ.

— Бово, сизгаям битта газет қолдирайми?

— почтачи тўрвасидан оқ-сарик ранглар чап-ланган, муқовасини ўйинчи-ю қўшиқчилар расми беазаган дафтармонанд газетни чиқар-ди. Чолнинг энсаси қотди. Индамади. Почта-чининг гапхалтаси очилди.

— Бова, зўр газет. "Изнакомстваси" бор. Та-нишув. А? Кампирларга хат-пат ёзасиз, — пи-хиллаб қулди.

Бор дунёси энди ёриша бошла-ган чиноқнинг ўзига қон тепди. Ота-син тенги одамни ўсал қилаётган почтачиға ўқрайиб қаради. Қулоч-кашлаб қўйиб юборай, дедию шай-тонга ҳай берди. Шу жипириққина билан тенг келиб нима топади. Бироқ тилини тиёлма-ди, оғзига келганини айтди-қўйди.

— Қудратбой, отангнинг ўлганига қанча бўлди?

— Нимаиди, бова? — чиноқнинг осмондан тушгандай қилиб тапиллаб таппи ёпгани Қудратни лол этди.

— Айт, қанча бўлди?

— Уч йилдан ошди, бова.

— Ундай бўлса, шу газетди энангга оппо-риб бер, болам... "Изнаком" қилиб бирорта чол-полга хат-пат ёзсин, зерикамай.

Қудрат почтачининг кетига муз ургандай бўлди, мулзам тортиди. Тили калимага келоп-ла, нимадир деб гулдирдиою запт ўрнидан туриб, ховлидан учиб чиқиб кетди. Холли чиноқ ўзини тўтиб туролмади: момоқалдирик гулдиргандай бўлди — у гум-гурс бўлиб ду-малаган қўйи қаҳ-қаҳ урарди. Ўзини тўхтатол-май, елкалари силкиниб-силкиниб қуларди, қўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетса ҳамки ўзини тўхтатолмасди.

Холли чиноқ тепасида анграйиб турган хо-тинини қўриб ўзига келди.

— Ҳа... Жин-пин чалиб кетмадимми, мунча дунёи бошингизга кўтариб наъра тортмасан-гиз...

— Менам бир қулай, дедим кампир... Қулай дедим.

Сарви хола чолнинг ёнида чўккалаб супа устидаги газеталарни қўлига олди. Кўзойна-гини тақди.

— Ана, кўрпача тагидаги омонатингни ҳам олвол, — деди чиноқ "тўртқўз" кампирига меҳ-ри юмшаб, — нега тез қайтдинг?

— Ўрмак эртага қолди. Сизни Наби кат-та сўради, — деди кампир газетадан кўз узмай.

Чиноқнинг юраги чимиллаб кетди. Ихраб қўйди.

— Нима иши бор экан?

— Сизам қизиксиз-а, боваси... Гоҳида ку-ракда турмайдиган ишларни қиласиз. Қула-римни ҳам, йиғларимни ҳам билмайман, — чиноқнинг хуни бузилганини сезган кампир гапни қисқа қилди.

— Гапир, Наби нима деди?

— Йўл четидидаги беш қулоч ерни сўрабсиз...

Шуни бер, атрофини ўраб қўй дебсиз... Шу энди, — Сарви хола жим қолди.

— Тўғри, соғ одамнинг ишимас демокчи-сан...

Чиноқ оғир "уф" тортиди. Ич-ичидан оғрик ту-риб, қиринди ўтди. Неча-неча йиллардан бери маддалаб ётган яра бугун ёрилди. Неча-неча йил-лардан бери қўяйини қўриптиб, қўктомирини чи-ритиб турган тош-метин тугун бугун ечилди, бо-тинда оғрик қўйиб ётган юраги енгил тортмади, аксинча бу ечим унинг юрак-бағрини суғуриб ал-лақаерларга улуктириб юборгандай бўлди. У ўзини ожиз ва нотавон, мулзам ва мумсик ҳис қилди. Хотинининг кўзларига жовдираб қаради. Шашти шамолни қайтарадиган Холли чиноқ, Холли чавандоз, дами чамқоқчи кесадиган Хол-ли полвон, шу муштдеккина кампирни олдида бир бурдагина бўлиб қолгандай эди. Кўзида ёш йил-лилади. Бўзгага нимадир қадалди, оғрикчи ни-мадир, ютинди, қулоқлари тош битиб бошида оғрик сездди. Сўнг оғир ҳўрсиниб елкасидан на-фас олди. "Шундай қилишим керак... Шундай қилишим керак, момоси... Шу пайтгача елкамда тоғни қўтариб юрибман, момоси... Сен билмай-сан, билмаганинг ҳам дуруст... Ҳеч ким билмага-ни яхши. Лекин мен ўз юкимни бу дунёнинг ел-касиға қандай ортайин, момоси?... Сафарим қари-япти. Бу дунёда қанча кўнм бор, билмайман мо-моси, лекин, лекин, елкамдаги юким босмасдан мен шу ишни қилишим керак..." Холли чиноқ-нинг кўз олди қоронғулашди.

Давоми олтинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Абдуқаном Йўлдошев:



— Миллий адабиётнинг буй-бастини, залворини айнан наср белгилаши бор гап. Шу сабабли ҳам барча замонларда бу адабий турга эътибор алоҳида бўлган.

Кўпчилигимиз яхши биламиз, тарихнинг бурилиш нуқталари жаҳон адабиётига гўзал, ҳайратомуз, бемисл дурдона асарларни берган. Қисқа вақт ичида бир тизимдан мутлақо бошқа бир янги тизимга ўтган, янгича онг-шуурга, дунёқарашга, маънавиятга эга бўлган халқимиз ҳам носирларимиздан шундай асарлар қутишга ҳақли, албатта.

Афсуски, адабиётимизда микдор жиҳатидан ўсиш сифат ўсишига олиб келмаётти. Адабиётимиз ҳамон юртимизда жуда қисқа фурсатда оламшумул ислохотларни, янгилинишларни амалга оширган замон қаҳрамонлари образларини, Тирик Инсонларни етарли даражада ифодалаб бера олмаётти. Ҳамон кўплаб ёзувчиларимиз даққиюнусдан қолган қайнона-келин моҳароси ёки эҳтимолки, қўшни овулда рўй берган, бироқ на маънавиятимизга, на ахлоқимизга тўғри келадиган воқеа-ҳодисаларни кўпиртириб-шишириб ёзиш билан овора.

Қаранг, ёшларимиз тил ўрганишди. Энди дунё адабиёти дурдоналари бевосита аслиятдан она тилимизга ўғирилмоқда. "Жаҳон адабиёти" журналида биз бир пайтлар ойлаб қадриб излаб тополмаган асарлар пешма-пеш чоп этилмоқда. Аммо биз энтиқиб кутган ўзимизнинг шоҳ асарлар негадир кўринмаётти.

Мустанқиллик даври ўзбек насрида қандай янги тенденциялар пайдо бўлди ёки пайдо бўлмди; миллий ўзига хослигимиз асарларимизда қай тарика акс эттирилмоқда; жаҳон миқёсида юз бераётган глобаллашув жараёнлари насрий машқларимизда қай тарика ифодаланмоқда; яратилаётган имкониётлар тудфайли адабиётимизга кириб келаётган ёш носирларимиз машқларида бизнинг эътиборимизни тортадиган жиҳатлар борми...

Бугунги давра суҳбатиди мана шу мавзуларда баҳс юритсак мақсадга мувофиқ бўлади назаримда.

Насримиз кейинги йилларда жуда катта адабий ҳосилга эга бўлди. Жилд-жилд романлар, қиссалар, сон-саноксиз ҳикоялар чоп этиляпти; уларнинг катта қисми китоб бўлиб чиқяпти ҳам. Истиқлол йилларида янги қадрининг янги адабиёти пайдо бўлди. Ўтган деярли чорак аср мобайнида адабиётимизда икки юздан ошиқ роман, минглаб қиссалар, сон-саноксиз ҳикоялар чоп этилди. Эътиборли томони шундаки, бу асарлар гоёвий зугумлардан, якка партия манфаатини кўзлайдиган шиор-чақириқлардан холи, эркинлик шароитида яратилди. Ўтган давр ичида қаламқашларнинг тўлақонли ижод қилишлари, дунё адабиётининг энг сара намуналари билан бўйлаша оладиган асарлар ёзишлари учун барча шарт-шароитлар шаклланди.

Буни ҳеч ким инкор этмайди, албатта. Аммо афсуски, адабий ҳосилнинг каттагина қисмини адабий макулатура ташкил этиши ҳам бор гап. Зеро, "оломон маданияти" деган бало аллақонан китоб дунёсига кам кириб келдики, уни ҳар қадамда қўриб-билиб турибмиз. "Сариқ матбуот" кўнгилочар, бозор адабиётини юзага келтирди. Бизнинг вазифамиз чин истездоқлар ва ҳақиқий адабиётни ҳимоя қилиш, авайлаб асраш, ривожланишига шарт-шароит яратиб беришдан иборат деб ўйлайман.

Нўъмон РАХИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори:

— Фарбада "онг оқи-



ми" деб ном олган адабий тушулча дастлаб профессор Уляям Жеймс томонидан 1890 йили "Психология асослари" асарида илк бор илмга олиб кирилган эди. 1922 йили Ж.Жойснинг "Уллис" романи нашр этилган, адабий танқидчиликда бу атама кенг қўллана бошланди. У бадий фикр структураси, яъни адабий қаҳрамоннинг ички дунёсини очишга қаратилган монолоки, кечинмалари, ўй-мушоҳадалари, изтиробу аламлари тизими сифатида намоён бўлаётди.

Мазкур адабий тушунчанинг бадий метод сифатида шаклланиши, тараққиёт хусусиятлари тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлиш учун у муаммо — онг оқи ми ва сюжет, онг оқи ми ва тасвирийлик принциплари, ички монолог ва бадий характер масаласи билан чекланиш мумкин.

Ҳозирги адабий жараён тарихини яратётган бир неча бўғинга мансуб ўзбек носирларининг ижодий принциплари, услубий изланишлари "онг оқи ми" деб аталаётган адабий йўналиш принциплари асосида таҳлил ва тадқиқ этишга, ижодий таҳрибаларда кўринаётган реализм, романтизм, натурализм, символизм, модернизм, сюрреализм, экзистенциализм каби бадий методларнинг етакчи хусусиятлари, эстетик табиати ҳақида фикр юритишга асос беради.

Қисқа бир адабий давр ҳаётида бу таҳлил бадий методлар хусусиятларининг зоҳир бўлиши омиллари нимага бoғлиқ? Уларнинг илдизи қаерда?

Ижобий таҳрибалардаги бу хил ранг-барангликлар адибларимизнинг дунёқарашини, турли хил аъёнлар эътидидан тушиши, бадий-эстетик, фалсафий тафаккур маданияти билан алоқадорликда кўриниш бермоқда. Хусусан, табиат ва жамият ҳодисаларини, ижтимоий воқеликни, инсоннинг янгича идрок ва ифода талқинлари, табиийки, бадий умумлашмалар мазмунининг хилма-хиллигини таъминлаётди. Ҳозирги ўзбек насри, жумладан, Муҳаммад Алининг диллогияси ("Сарбадорлар"), тетралогияси ("Улуғ салтанат"), Эркин Аъзамнинг "Шовкин" романи, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бозор" романи, "Сўроқ", "Оромкуриси", қиссалари, Асад Дилмуроднинг "Ранг ва меҳвар" романи, "Хаёл чўлғаниши", "Хуфтон", "Кунсулув" ҳикоялари, Отаули, Қамчибек Кенжа, Наби Жалолитдин, Собир Ўнар, Қўқор Норқобил, Нормурод Норқобил сингари бир неча авлодга мансуб носирлар ижоди истиқлол даври ўзбек прозаси тарихини яратиш баробарида адабиётимиз ижодий методи табиатини, адабий йўналишлар эстетикасини тадқиқ этишни долзарб вазифалардан бири сифатида кўндаланг қўймоқда.

Биргина Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Қичқирик" ҳикояси мисолида кузатадиган бўлсак, келиннинг анҳор сувига чўкиб, фарқ

лиги, бадий ҳақиқатнинг ҳаёт ҳақиқатидан устувор мартабага қўйилгани, ифоданинг бетакрорлигига интилингани билан диққатга лойиқдир.

Айрим насрий асарларда персонажлар воқеликка илова эмас, балки ўз ўйлари, хатти-ҳаракатлари билан реал борлиқдан муҳимроқ воқелик сифатида тасвирланмоқда. Ифоданинг ўзгачилиги билангина эмас, балки ҳаёт ва одамга янгича қараш, уларни бошқача тасвирлай билиш маҳсули ўлароқ дунёга келган насрий битиклар бугунги насримизнинг қиёфасига алоҳидлик бахш этади. Исажон Султоннинг "Бокий дарбадар", Луқмон Бўрихоннинг "Қуёш ҳали ботмаган", "Йигит изтироби" сингари асарлари шу жиҳатдан эътиборни тортади. Бу асарларда тасвирланган тимсоллар бировга ибрат бўладиган, ўқирманга йўл кўрсатадиган шахслар эмас. Улар ўзларини англаб етиб, одамлар орасидаги ўринларини топиб олишга интилаётган кишилардир. Бундай битикларда кўпинча воқеалардан кўра, персонажларнинг ўй-хаёллари ифодаси етакчилик қилади. Чунки одам ўйлаётгандагина ўзидай бўлади.


Бугунги ўзбек насри шиддат билан бораётган глобаллашув шароитида ўз қиёфасидан айрилиб қолмасликка интилаётган миллат ахлининг руҳий-интеллектуал олами, туйғулар дунёсини кўрсатишга қаратилган.

Ҳозирги насрда одамга ҳаёт орқали эмас, балки ҳаётга одам тасвири орқали ёндашилаётгани кўзга ташланади. Бундай бадий асарда муаллиф ҳаётни ўрганиш ва акс эт-

минга қайтишларини, бадий асар учун ҳаётий материални ўз халқимиз турмушидан танлашларини сўраган бўлардим. Ўзбекдай турфа қиёфа, ранг-баранг феъл-атворга эга миллат дунёда бўлмаса керак. Бир пайтлар санъатшунос дўстим Элдор Бобоев айтиб берганди. Устоз мусаввир Чингиз Аҳмаров Болтиқбўйи республикаларида ижодий сафарда бўлиб қайтган экан: "Биласиз, мусаввир хос қиёфа, ёрқин талъат излайди, у ерда бир хилликдан зерикиб кетдим, ҳамма ёппасига бир хил қиёфа. Тошкентда қайтиб сал ўзимга келдим, эркин нафас олдим..."

Бизда ҳар бир қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят ўзига хос, тақрорланмас. Қани бу ўзига хосликни тасвир этадиган, теша тегмаган жонли характерларни образларда муҳрайдиган азамат? Барча вилоятларимизда, пойтахт Тошкентда ҳам шундай одамлар, ёрқин характерлар борки, улар ҳаёт сахнидан адабиёт сахнасига қўчиб ўтган эмас. Шоир ёзганидек, улар номаълум одамлигича дунёдан ўтиб кетишмасин. Бундай ёрқин характерлар миллатнинг, қолаверса, инсониятнинг мулкидир.

Бир ҳақиқатни унутмаслик лозим: биз дунё учун фақат ўзлигимиз, ўзбеклигимиз билан қадрлигимиз, қизиқарлигимиз. Ушбу ўзликини



НАСР: БУГУН ВА ЭРТАГА

бўлиши ҳодисасидан туртки олган бадий фикр тадрижи — бу лирик персонажнинг мушоҳада кечинмалари тизимини ташкил қилади. Чунончи, Султоннинг анҳор билан боғлиқ болалик хотираларини, айна пайтадги ҳолати, кайфияти, ҳис-туйғулари, ҳаётий таҳрибасини қамраб олади. Бадий фикр теран, серқирра фалсафий маънони ёритишга қаратилган. Султоннинг келинчақ жасадини топишга жазм қилиши, анҳор тўлқинлари билан олишуви, оқимни ёнгишга сафарбарлиги — барча-барчаси рамзли маънолар силсиласидир. "Қичқирик"нинг шиддатли тўлқинлари — бу ҳаёт, тирикчилик масъулияти ва синовлари; ана шу издиҳомда одамнинг ўзини ўзи англаб етиши, руҳан покланишига, маънан тозаришга йўналтирилган майлларидек ангашилади. Демак, ҳаёт — тириклик издиҳоми ўзини излаб ўзлигини топланларни кадрлар экан.

Демак, психологик тасвир тералигининг салоҳияти, жозибаси шундаки, ҳаётий фактдан туртки олган, қувватланган идрок ифода жараёнида янги бадий ҳақиқатни, яъни реаликни юзага келтирмоқда. Султон характерининг намоён бўлишидаги рамзли маънолар тизими ёзувчининг воқеликни тушуниш ҳамда тушунтиришдаги ижодий йўсинини англашмишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Рамзаларга асосланган объектив воқеликнинг мазмун-моҳияти, унинг субъектив талқини ҳамда бадий-эстетик умумлашма Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ўзига хос тасвир ва талқин маданиятини юзага келтирмоқда.

Воқелиқдан турилган, кечинмалар шаклини олган мушоҳада-муҳокамалар қаҳрамон руҳий дунёсини белгилаб бераётди.

Ана шу жараёнда бадий методнинг муҳим хусусияти намоён бўлмоқда. Ангашиладики, бадий метод воқеликнинг у ёки бу қатламини бадий-эстетик, ижтимоий-фалсафий, публицистик-ахлоқий ўрганиш тарзи сифатида зуҳур топаркан. Бу борада бадий онг фалсафий-лирик, романтик кўтаринки, фантастик, истеҳзо-кулгили — сатирик, реалистик ва ҳоказо ранг-баранг кўринишларда ҳам ифодаланган.

Қозокбой Йўлдош,

филология фанлари доктори:

— Бугунги асл насрий асарлар олдин шакллантирилган қолипларга тушмаслиги билан ажралиб туради. Миллий насрда ҳар бири алоҳида изоҳланиши керак бўлган бир қатор асарлар юзага келди. Чоғдош насрда тарихга, одамга ёндашув, тарих ва одам муносабатини кўриш ва бадий акс эттириш тамойиллари тамомила ўзгарди.

Бугунги насрий асарларда адабий қаҳрамонга ҳам ўзгача ёндашилмоқда. Насрий асарки бор, албатта, унда ижобийдир-салбийдир қаҳрамон, яъни эл қатори одамлардан бироз ўзгача образлар тасвирлишига қўйилган эди. Оқсоқол ёзувчи Муҳаммад Саломнинг "Катта хонадон" романида эса кундалик турмушнинг адоксиз икир-чикирлариға ўралашиб яшаётган оддий одамлар тасвирланган. Улар деярли ҳеч бир жиҳати билан бошқалардан ўзгача эмас. Ва айнан шундай тасвирлангани билан эътиборга лойик. Миллий наср қаҳрамон бўлмаган қаҳрамонларни тасвирлаш босқичига кирди.

Ҳозирги ўзбек насрида жиддий шаклий изланишлар ҳам бораётди. Омон Мухторнинг қатор иччам романларидан сўнг Улугбек Хамдамнинг олти бетлик "Наъматак" романи ёзилиши роман борасидаги мавжуд тушунчаларни ўзгартириб, дунё адабиётида кечаётган жанрий синкретизм бизга ҳам хослигини кўрсатди. Тўхтамурод Рустамнинг "Қапалаклар ўйини", Назар Эшонқулнинг "Гўрўғли", Баҳовиддиннинг ити", "Қултой", Абдуқаном Йўлдошнинг "В.Б. ва бошқалар" асарлари воқеликка ёндашувнинг ўзига хос-

тиришни мақсад қилмайди, балки буларни тасвирланаётган шахснинг табиатини тушуниш ва изоҳлашга восита ҳисоблайди. Одам руҳиятининг тасвири ҳаёт ҳодисалари ва уларнинг манбасини тўғри тушуниш ҳамда изоҳлашга очкич бўлади. Шу сабаб бугунги ўзбек насрида инсон руҳияти товланишларини акс эттириш устуворлик қилмоқда.

Шартли равишда умумлаштириб, бугунги ўзбек насрининг биринчи белгиси сифатида унинг ижодкор кўнгил изҳори ва руҳий эҳтиёжи ифодасига айланганини кўрсатиш мумкин. Ҳозир чин насрий битиклар муаллифнинг ички эҳтиёжи тудфайли, унинг руҳини безовта қилиб, ҳаёлотига ором бермаган ҳолатларнинг инъикоси ўлароқ дунёга келмоқда. Миллий насрининг асл намуналарида бадий тасвир фокуси ўзгариб, эстетик ёндашув соғломлашгани кузатилади.

Ифода йўсинининг бетакорр ва жозибали бўлишига эътибор қаратилгани бугунги илғор насрининг иккинчи хусусиятидир. Ҳозирги насрий яраткирларда ёзувчини тўқинлантирган, унинг ҳаёлотини безовта қилган инсоний тақдирлар тасвирланиши қолидга айланиб бормоқда. Илгарилари насрий асарларда улкан ижтимоий воқеаларни тасвирлаш муҳим саналган бўлса, энди истеъдодли ёзувчилар инсон шахсига ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг сабабчиси ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ёндашмоқда. Бугунги ўзбек насрида одамга сабаб, унинг атрофида кечадиган воқеа-ҳодисаларга эса оқибат тарзида қараш қарор топиб, яъни одамнинг руҳиятини тасвирлаш олд планга чиқди.

Ҳозирги ўзбек насрига хос учинчи белги ҳар бир асарнинг ўзига хос бетакорр шахсий қиёфага эга бўлиб бораётганлигидир. Шу сабаб эндиликда наср намуналарини синчиклаб ўқимай туриб, у ҳақда фикр айтиб бўлмайди. Чинакам насрий битикларнинг тамомила ўзига хос тасвир йўсинига эга эстетик ҳодисага айланиб бораётгани шундай ҳолатни юзага келтиради.

Сувон МЕЛИ,

филология фанлари номзоди:

— Давра суҳбатини олиб бораётган ёзувчи Абдуқаном Йўлдошевнинг бир фикри айнан менинг кўнглимдаги гап бўлди: "Катта адабиётни ҳимоя қилишимиз керак. Агар биз ҳимоя қилмасак, бошқа ким ҳимоя қилади". Бу аччиқ, аммо маҳқоний фикр. Озод инсонини, унинг юксак маънавиятини ҳимоя қилишга йўналтирилган адабиётнинг ўзини бугун "оммавий маданият"дан ҳимоя қилмоқ керак. "Адабиёт ўладими?" деган савол йўқ жойдан пайдо бўлган эмас. Мен бунга ҳаммаша "йўқ, ўлмайди", деб жавоб берганман. Лекин... Агар адабиёт ўзига юкланган илоҳий миссия — эзгулик ва эзгу ҳислар тараннумидан юз буриб, бандангир (инсоннинг эмас) тубан, пастарин майлларини кўз-кўз қилиб, инсонийликка эмас, ёвузликка, гўзалликка эмас, хунуқликка хизмат қила бошласа, адабиётнинг ўлгани шу бўлади. Иблиси лаин кулолига айланган адабиёт ўлик адабиёт ёки аксил адабиётдир. Фойда эмас, қони зарардир. Чунки уни илоҳий нур, мунаққар руҳ тарқатган бўлади. Бундай кўргилиқдан Яратганининг ўзи асасин.

Бу — Президентимиз қайта-қайта огоҳлантирган маънавий таҳдиднинг энг ёвуз ва пинҳоний кўринишидир. Бу ҳавф миқёсини кўпчилик адибларимиз, айрим адибий нашр раҳнамолари ҳам тўлиқ англаб етган эмас.

Мен катта қарвон бўлган насримиздан, адибларимиздан ялпи равишда миллий за-

кўрсатиш, тасвир этиш, жаҳонга кўз-кўз қилиш пайти келди.

Ўзбек насрининг келгусидаги тараққиёт йўллари тасаввур қиладиган бўлсак, айнан Истиқлол билан боғлиқ бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Масалани Истиқлолга боғлашимизга сабаб, олдинги тузумда бу ишни амалга ошириб бўлмасди, халқ, миллат ҳаёти ҳақида эркин фикрлашга йўл берилмасди. Гап шундаки, ханузгача адабиётимизда олис тарихий ўтмишга эга халқимизнинг бадий-эпик тарихи яратилган эмас. Бу осон юмуш эмаслиги кундай равшан, лекин бу гап, керак бўлса, талаб ботиб айтиб турилиши лозим. Ҳатто нисбатан кичик халқлар ўз бадий тарихини яратишган. Масалан, эстон адиби Антон Таммсааре 1926—1933 йиллар давомида "Ҳақиқат ва адолат" номи беш жилдан иборат эпопея ёзган, унда эстон халқининг XIX асрнинг 70-йилларидан XX асрнинг 30-йилларига қадар кечган ҳаётининг кенг манзаралари тасвир этилган. Бизда ҳатто Мухтор Азевоннинг "Абай йўли" эпопеяси даражасидаги асар ҳам йўқ.

Мен бу ўринда тарихий прозамизнинг улкан ютуқларидан кўз юммоқчи эмасман. Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк даҳоларимиз ҳақида жиддий ва йирик асарлар яратилганини қайд этган ҳолда, ўзбек халқининг яхлит бадий сиймоси, тарихий-ҳаётий воқеа ва образлар силсиласида ёрқин кўрсатилган бадий юксак асарлар яратиш Истиқлол даври насримиз зиммасидаги улуг вазифа, деб ўйлайман.

Рисолат ХАЙДАРОВА:

— Ижодкорлар, одатда, аёлларни осмондаги ойга қиёслашди. Ой каби гўзал, сирли, ой каби йирок ва ҳоказо. Биламизки, ой одамларга фақат бир, яъни ерга қараб турган томони билан кўринади. Ойнинг иккинчи томони ҳаммаша кўздан йирок, қоронғи, у ерда нима сирлар борлигини мутахассислар қудратли телескоплар ёрдамидагина кўриб, билиб олишди. Мен бу мажозни бежиз келтирмадим. Носирларимизнинг замонавий адабий жараёндаги иштирокини ҳам қайсидир маънода шунга ўхшатиш мумкин.

Насрда аёл ёзувчиларнинг улуши катта эмас. Авваллари ҳам носирлар кўп бўлмаган. Аслида гап сонда ҳам эмас, балки салмоқда. Лекин салмоқ деганда нимани тушуниш кам катта гап.

Носирларимизнинг сони кам бўлса ҳам, кўзлаган мақсадлари баянда. Бугун тарихий мавзуга қўл ураётган адибалар сони анча, авангард усулида ёзаётганлар орасида ҳам уларнинг улуши чакимас, ҳозир ҳатто беллетристикада ҳам аёллар сафнинг олдиға ўтиб олишяпти. Кечагина "Шарқ зиёкори" китоб дўконини кўздан кечирганда Фарида Усмонованинг "Ҳижрон" номи қисса ва ҳикоялар тўплами, Хафиза Эгамбердиеванинг "Нахшона" номи тарихий асари, шунингдек, Лола Ўроқова, Шаҳодат Исахонованинг янги китобларини кўрдим. Беллетрист аёллардан Жамилла Эргашева, Ҳамрохон Мусурмонова, Лобар Рустамова, Шаҳло Хошимова, Зулайхо Маша-



рипова сингари ижодкор аёлларимиз фантастика, детектив, маиший мавзулардаги қисса ва романлари, ҳикоялари билан тез-тез кўриниб туришибди.

Демак, носирларимиз анча фаол. Лекин булар масаланинг ўқувчига кўриниб турган жиҳатлари ёки ойнинг ерга қараган томони. Оддий назарга кўринмаган томонларда эса...

"Шарқ юлдузи" журналининг янги, 4-сониди Дилфуза Ўрол қизининг иккита ҳикояси босилди. Булар авангард усулида ёзилган ҳикоялар. У анча пайтдан бери асарлари билан кўринмаётган эди. Мана, бугун Дилфуза ҳикоялари билан қатнаша бошлаганидан хурсандман. Шунингдек, бугунги кунда Гулчехра Асранова, Сайёра Жабборзода ҳам матбуотда кўриниб туришибди, Омина Тожибоева тарихий романини Наср кенгашига муҳокамага олиб келди, шоира Энаҳон Сиддиқова ўзини насрда синаб қўриб, журналимизга бир қанча яхши ҳикоялар йўллади... Шуларни кўриб таскин толганда бўлади киши.

Аёлларимиз ишни жуда яхши бошлашди, энг юқори уфқларни кўзлашади. Лекин кейин... Адиба, аввало, аёл, буни инкор қилиб бўлмайди. Аммо адабиёт майдонига кирдингми, назарга тушдингми, демак, ўрнинг бор, қикиб кетсанг даров билиниб қолади. Ижодкор ўз ўрнини соғувмаслиги керак, деб ўйлайман.

Беллетристикани (ҳатто шу чоққача жиддий адиба деб билганларимизнинг баъзи "асар"ларини) кўздан кечириш асносида айрим бир жиҳатлар кўринаптики, айтмай иложим йўқ. Бу детектив баҳона зўравонлик ва қотиллик (Зулайхо Машарипованинг баъзи бир қисса ва ҳикоялари), реаликни кўрсатиш баҳонасида эса фаҳш ва бузуқликнинг очкичасига, кўнгилни айнитар даражада мўлқ-қўл ва бепарда тасвирланишидир. Бунда ҳам аёлларимиз олдинги сафда. Шуларни кўрганда, носирларимизга нима бўляпти ўзи, деб ўйлаб қоламиз. Насрдаги аёлларнинг бугунги улуши баракали, унда ойнинг ойдан томони каби ёруғлик ҳам, ерга тескари томонидаги каби қоронғилик ҳам бор.

Жиддий равишда ижод қилаётган адибаларимиздан умидимиз катта. Ҳозирги кун насрида, хусусан, ёшларда кўзга ташланаётган ўзига хосликлар, шаклий изланишлар, янгича мазмун ва қарашлар, рамз ва мажозлар тили — бариси эртанги кун ҳосилидан дарак. Бунда аёлларимизнинг ҳам иштироки бўлади, деб ишонгим келади.

Абдуқаном Йўлдошев:

— Насримизнинг бугунги ва эртасига бағишланган суҳбатимиз ҳали узоқ давом этиши тайин. Мазкур ҳолат ҳам мазмунинг нақадар кенг ва кўламли, долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. Юқорида айтилган мухтасар мулоҳазаларни эса дегнидиган томиқлар ўрнида қабул қиламиз. Биз учун муҳими, бу зарраларда адабиётимизнинг, хусусан, насримизнинг ютуқ ва камчиликлари акс этаётгани.

Айна пайта тилга олинган жиддий мулоҳазалар, фикрларнинг ўзиданок муайян хулосаларга келишиши мумкин. Бу ҳам бўлса адабиётимиз бир жойда депсиниб қолмаётгани, олға интилаётганидир. Қарақат эса ҳаммаша яхшилик аломати бўлиб келган. Айнан олдинга интилиш, изланишгина тараққиёт ва яратилажак мўъжизаларга асос бўлиб хизмат қилади.

Зеро, Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ҳақли равишда таъкидлаб ўтилганидек, "Агар биз ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажакни улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак".

Бугунги гурунг иштирокчиларининг ҳаммаси касби ёки хизмати тақозосига кўра қўлёзма, китоб ўқийди. Аммо кейинги пайтлари бу маъмулот анчайин машаққатга айланаётгани ҳам бор гап. Нашриёт, газета-журналларни айтмай турган тақдиримизда ҳам, баъзан Уюшмаимизнинг Наср кенгашига муҳокама учун олиб келинган "асар"ларни ўқиб, ҳайратдан ёқа ушлаймиз. Бейхитёр кўнгилдан "Қани муаллифнинг ҳеч бўлмаганда ўз-ўзига ҳурмати?" деган изтиробли ўй ўтади. Таассуфки, айнан шундай савиядаги қаламқашлар даҳоллик даъво қилиб чарчашмайди, ёинки хом-хатала, "танқиддан тубан" машқларини "модерн" ёки "постмодерн" атамалари билан ниқобланган ҳолда улкан эътирофларни қутишади, ёқа бўғишиб талаб қилишади...

Бу гапни айтишдан муддао ҳамма замонлар учун оддий аксиома бўлган ҳақиқатни яна бир тақрорлаш, ҳолос. Яъни истездоқсизлар тезроқ топишишди, тезроқ бирлашишди. Бугун "оломон маданияти"дан маънавий, "сариқ матбуот"дан моддий рағбат олаётган кўча адабиёти аталмиш издиҳом ўш шовқини, йўлга қўйилган тарғибот-ташвиқоти, сафларимиздаги ҳайбаракаллачилари ва нашр адади билан асл Адабиётимизга, унинг ҳам бугунги, ҳам эртанги кунига нисбатан ҳавотир усурларини уйғотмоқда. Бугун биз дил сўзларини тинглаш асносида мазкур ҳақиқатга яна бир бор иқдор бўлди. Умид шулки, бугунги давра суҳбатиди айтилган фикр-мулоҳазалар, хулосалар келгуси фаолиятимизда, адабий аълолимизда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Саҳифани А.ОТАБОВЕВ тайёрлади.

Замон ва макон измига бўйсунмас шундай ҳақиқатлар борки, улар қаерда ва қай шаклда янграмасин умуминсоний аҳамиятини йўқотмайди. Башарият тарихи бунга жонли мисол: "Инсонни эркидан маҳрум этиш учун зиндонга қамаш шарт эмас..." Қадимги Рим харобаларида аниқланган бу битик муаллифи ким экани номаълум, аммо унинг замирида неча авлодлар қалбини ўртаб келган азалий изтироб яшайди.

Мана шу қудратли туйғу тўрт аср муқаддам буюк инглиз драматурги Уильям Шекспирни "Гамлет" трагедиясини яратишга ундаган бўлса, не ажаб. Ахир, фожиа бош қахрамони "Дания — зиндондир" дея баралла таъкидлайди ва бу орқали нафақат ўзини қуршаган муҳитга, балки бутун жамиятга баҳо беради. Ўтган асрнинг ўттинчи йилларида "Гамлет" трагедиясини илк бор ўзбек тилига таржима қилган Чўлпон қалбини ҳам ўша озодлик армони ўртамадими? Шафқатсиз қатагон гирдобига тортилган буюк шоир Дания шахзодаси сингари ҳалокат ёқасида турганини билса-да, киндик қони тўкилган юрт зиндонга айланганидан кўз юммади.

да бундай ижодий ёндашув қадим Шарқнинг сайёр театрларини ҳам ёдга солади. Зотан, улуг драматург ижод этган даврда мураккаб декорациялар, ранг-баранг либослар бўлмаган. Энг асосий эътибор

Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

сўзга, унинг замиридаги мазмунга қаратилган. Айнан шу сабаб "Гамлет" трагедиясидаги дейрли барча диалог ва монологлар ниҳоятда жарангдор маънога эга. Ушбу муҳим жиҳатга таянган режиссёр спектаклни ўзига хос сўз ва фикр курашига айлантириб, томошабинларни буюк драматург илгари сурган гоёларнинг туб моҳия-

сига киради ва кескин оҳангда ўғлини қасос олишга чорлайди. Ёнаётган аланга мисол доимо чакнаб турувчи актриса Женнифер Леонг аввалига Гораций сиймосида намоён бўлса, кўп ўтмай бутунлай бошқа инсон нибобини кияди. Аммо ҳар сафар Дания шахзодасининг энг содиқ дўсти қиёфасига қайтаркан, қахрамонига хос жасурлигу жўшқинлики йўқотмайди. Бундай ижро услуби режиссёр илгари сурган асосий концепцияни амалга оширишга, яъни томоша давомида бутун эътиборни адабий матнга, унинг замирида яширинган мазмунни ифодалашга хизмат қилади.

Актёрлар Шекспир ижодида хос ўта кинояли юмор, танқидий кулгидан катта маҳорат билан фойдаланишилади. Бу борада, айниқса, Полоний ҳамда гўрков қаби сўзга уста қахрамонларни гавдалантирган тажрибали актёр Кит Барлеттнинг комедиянтлик маҳоратига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Ажабтовур нутқи билан муҳлисларни мафтун этган ижодкор, ҳатто энг арзимас ҳаракатлар ёрдамида ҳам томоша залида кулги уйғотишга қодир. Вақти келганда энг сўзасол қахрамонлар ҳам унинг олдида ип эшолмайди.

Албатта, юқоридаги сахна асари том маънодаги трагедия эмас. Кувноқ қўшиқлари турли комедия унсурларидан кенг фойдаланилганини назарда тутиб, айрим томошабинлар спектакл режиссёри трагикомедия яратиш ни мақсад қилганини ҳам таҳмин қилиши мумкин. Балки спектаклга нисбатан Фарб киносиди ҳозирда урф бўлган "қора комедия" тушунчасини қўллаш тўғриси бўлар. Табиийки, бу масалада узок баҳорлашиш мумкин. Лекин спектаклнинг энг муҳим ютуқларидан бири шундаки, Доминик Дромгул фарблик айрим ҳамкасбларидан фарқли равишда мумтоз асарга мурожаат қилиш жараёнида юксак ахлоқий мезонларни, ҳаё ва гуруч чегараларини бутун сақлаб қолишга эришган. "Гамлет" трагедиясининг бу талқини мумтоз аъёнларга қайтишни ёки бутунлай инқилобий сахнавий ечим яратиш, театр оламини остин-устун қилишни кўзламайди. Ҳа, бу спектакл эскилик ҳам, янгилик ҳам эмас. Хорижлик ижодкорлар маълум даражада замонавий ва маълум даражада аъёнани қўринишга эга бўлган, мафкуравий даъволардан йироқ қизқарли сахна асарини яратишган. Ушбу ёндашув Уильям Шекспир ижодини дунё бўйлаб ҳолис тарғиб қилишни мақсад қилган "Globe to Globe" лойиҳасининг умумий мазмунига уйғун.

Дунё мамакатлари билан маданий алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётган айни даврда машҳур театр жамоаларининг юртимизга ташриф буюриши табиий жараён эканлигини унутмаслик лозим. Жумладан, Миллий театр сахнасида бўлиб ўтган намоёишлар асосида ҳулоса қилдиган бўлсак, ўзбек томошабинлари орасида хорижлик ижодкорлар ижросидаги мумтоз асарларга қизиқиш тобора ортиб бораётганига ғувоҳ бўлдик. Чунончи, "Глобус" ижодкорларининг маҳорати муҳлислар олқишига, алоҳида эътирофи ва эъзозига сазовор бўлди. Бунда ҳам ўзига хос ҳикмат борлигига ишонинг келади. Демак, улуг инглиз адабиятини қалбини ўртаган умуминсоний гоёлар, ҳурлик ва адолат орзусига бўлган ишонч ҳамон барҳаёт.

Азиз ИМОВОВ

Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган "Гамлет" спектаклининг оқшомги намоёиши якунида театр раҳбари Фатхулла Маъсудов етакчилигида таниқли ўзбек актёрлари сахнага кўтарилиб, хорижлик ҳамкасбларини табриклашди, уларга совғалар топширишди. Ўз навбатида томошабинлар меҳрини қозонишга эришган "Глобус" труппасининг етакчи актёри Кит Барлетт сўзга чиқиб, У.Шекспир ижодида юксак эътибор, ҳурмат учун ўзбек ижодкорларига, барча муҳлисларга миннатдорлик билдирди. Театр байрамига айланган ушбу анжуман доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

Л.Хўжаева, С.Иномхўжаев, И.П.ўлатов, М.Қодилов, Т.Турсунов қаби устозлар хизмати ҳам эътибордан четда қолмаган.

Муаллиф сахна нутқи масаласини чуқурок тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Саҳна нутқи бир пайтлари фақат артикуляция ва дикцияни ишлатган ҳолда олиб боришга бўлса, эндиликда ҳаракат ва ҳолат билан бирга

бинларга ҳам алоқадордир. Чун-ўлатов, М.Қодилов, Т.Турсунов қаби устозлар хизмати ҳам эътибордан четда қолмаган. Муаллиф сахна нутқи масаласини чуқурок тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Саҳна нутқи бир пайтлари фақат артикуляция ва дикцияни ишлатган ҳолда олиб боришга бўлса, эндиликда ҳаракат ва ҳолат билан бирга

билишга ҳам алоқадордир. Чун-ўлатов, М.Қодилов, Т.Турсунов қаби устозлар хизмати ҳам эътибордан четда қолмаган. Муаллиф сахна нутқи масаласини чуқурок тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Саҳна нутқи бир пайтлари фақат артикуляция ва дикцияни ишлатган ҳолда олиб боришга бўлса, эндиликда ҳаракат ва ҳолат билан бирга

ли таъкидлаган. Шунингдек, тадқиқотчи мактуб ўқиш санъатининг сирлари борасида қимматли мулоҳазаларни ўртага ташлади. Драма санъатида бадиий сўз ижрочини қучли овози, диалогни оҳангдорликка бой бўлиши билан уйғунлашишини ўринли қайд этди.

Мазкур китоб театр санъати мутахассислари, талабалар, барча нутқ маданияти билан қизиқувчиларга мўлжаллангани билан аҳамиятлidir.

Адиба НОСИРОВА,
профессор,
Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
доцент

БУЮК ОРЗУ, МАНГУ АРМОН КУРАШИ

Ҳа, мустабид тузумга қарши бош кўтарган қахрамонлар тақдири кўп ҳолларда фожиа билан якун топади, аммо уларнинг кураши бесамар кетмаслигини келажак исботлади. Бир замонлар Чўлпон таржимаси таъйиққа учраган сахнада бугун ўзбек тилида эмин-эркин ўйналаётган жаҳон драматургиясининг ўнлаб дурдоналари қаторида "Гамлет" трагедиясини Шекспирнинг она тилида, тагин буюк адиб асос солган машҳур "Глобус" театри актёрлари ижросида томоша қилиш имконига эга бўлиб турганимиз тарихий адолатнинг қарор топшиши эмасми. Шекспир ижодида бағишлаб "Globe to Globe" ширини остида ўтказилаётган ушбу ижодий лойиҳа доирасида "Гамлет" трагедиясини икки юздан ортиқ мамлакат томошабинларига тақдим этиш режалаштирилганини ҳисобга олсак, мамлакатимизда бўлиб ўтган намоёишлар жаҳон театри соҳнасидаги билишланишга шубҳа йўқ. Эеро, сахна томошалари билан узвийликда пойтахтимизда замонавий театрнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман ва учрашувлар, хорижлик санъаткорлар, мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилмоқда.

Ўзбек миллий академик драма театри сахнасида "Гамлет" трагедиясининг "Глобус" актёрлари ижросидаги кундузги намоёишидан олинган таассуротлар ҳақида сўз юритарканмиз, аввало шунини таъкидлаш лозимки, ушбу спектакл аксар томошабинлар тасавурида шаклланган монументал трагедиянинг аъёнани қўринишдаги талқинига ўхшамайди. Эҳтимол, йирик декорациялару тарихий либослардан маҳрум этилган ва бунинг устига атиги ўн иккита актёр томонидан ўйналувчи машҳур спектакл мумтоз руҳини йўқотқандек туюлиши мумкин. Аслида бу йиллар давомида қолпига айланишга улгурган қараш, ҳолос. Спектакл режиссёри Доминик Дромгул замонавий театр талабларини теран англайди. Шекспир аъёналарининг меросхўри ҳисобланган театрнинг бадиий раҳбари сифатида ижодкор машҳур трагедиянинг биз учун қоронғу бўлган оламини кўрсатишга ҳаракат қилди. Спектаклда ҳукмронлик қилувчи соддалик, актёрлик ижросидан тортиб, барча ифода воситаларида ақроқ кўринувчи ихчамлик замирида Шекспир аслига интилиш мавзуд. Маълум маъно-



тини англашга чорлайди.

Спектакл бошидан охиригача актёрлар жўшқин оҳангда, дейрли сукутсиз мулоқот қилишади. Халқона руҳдаги кувноқ қўшиқлар уларнинг нутқида янада тезкорлик, болаларча бегуборлик бағишлайди. Саҳнада ўзига хос шиддатга эга жўшқин муҳит яратилади. Натижада, спектаклни бошлаш учун прологга ёки ўзига хос муқаддимага ҳоҳат қолмайди. Актёрлар жамоаси томонидан ногора, гармон, скрипка қаби созларнинг жонли ижро этилиши билан бошлаган куй-қўшиқлар томошабинларни бирданига драматик воқеалар оғушига олиб киради. Шунга қарамай, режиссёр трагедиянинг асосий сюжет линиясини сақлаб қолишга эришиб, қахрамонлар ўртасидаги зиддиятни янада кескин руҳ беради. Саҳнада юз берувчи ҳодисалардан нигоҳингизни сира узолмайди. Ифода воситалари керагидан зийд даражада шартли қўриниш қасб этган ҳолларда ҳам сержазава муҳит сизни қўйиб юрмайди.

Воқеалар ривожига монанд тарзда ўсиб борувчи мана шу шиддатни йўқотмаслик мақсадида актёрлар вазиёгга қараб турли ролларни алмашиб ижро этишади. Мисол учун Гамлетнинг амакиси Клавдий образини гавдалантираётки, маҳоратли актёр Жон Дугал бир зумда унинг отаси арвоҳи қиёфа-

ИЖОД ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ

Таълим ва нутқ жараёнини нутқ маданияти ва унинг юқори қўқиси бўлган нотиклик санъатисиз тасаввур қилиш қийин. Нутқнинг қандай усулда етказилиши нуктаи назардан нотиклигининг ўзига хос турлари пайдо бўлган. Улар орасида сахна нутқининг алоҳида ўрни бор.

Ҳузал Холиқулловнинг "Саҳна асарларидаги қахрамон харақатини талқин қилишда замонавий коммуникация технологиялардан фойдаланиш услуби" китоби шу мавзуга бағишланган. Китобнинг биринчи бобида театршуносликнинг ўзак муаммоларидан ҳисобланган сахна нутқининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари ҳақида маълумот берилади. Хусусан, ўзбек театр санъати даргаларининг ижод йўли, қарашлари борасида қимматли мулоҳазалар ўртага ташланади. Шунингдек, театр санъатида сахна нутқи масалаларига доир қатор тадқиқот ишларини яратган Н.Алиева, А.Сайфуддинов,

олиб борилаётгани эътироф этилади. Тадқиқотчи сахна нутқи маҳоратини ағаллашда фақат тўғри талаффуз эмас, балки талабанинг тафаккури, қалби, ҳаракати ҳам муҳим ўлчов бўлишини таъкидлайди. Қахрамон харақатини яратишнинг асосий воситалари нутқ ва ҳаракат, кийим ва грим бўлибгина қолмай, бунда мусика, шовқин ва чирокларнинг ҳам ўз ўрни бор.

Бадиий сўзни ҳис қилиш актёрлар жамоасига ҳам, томоша-

бинларга ҳам алоқадордир. Чун-ўлатов, М.Қодилов, Т.Турсунов қаби устозлар хизмати ҳам эътибордан четда қолмаган. Муаллиф сахна нутқи масаласини чуқурок тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Саҳна нутқи бир пайтлари фақат артикуляция ва дикцияни ишлатган ҳолда олиб боришга бўлса, эндиликда ҳаракат ва ҳолат билан бирга

билишга ҳам алоқадордир. Чун-ўлатов, М.Қодилов, Т.Турсунов қаби устозлар хизмати ҳам эътибордан четда қолмаган. Муаллиф сахна нутқи масаласини чуқурок тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Саҳна нутқи бир пайтлари фақат артикуляция ва дикцияни ишлатган ҳолда олиб боришга бўлса, эндиликда ҳаракат ва ҳолат билан бирга

билишга ҳам алоқадордир. Чун-ўлатов, М.Қодилов, Т.Турсунов қаби устозлар хизмати ҳам эътибордан четда қолмаган. Муаллиф сахна нутқи масаласини чуқурок тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Саҳна нутқи бир пайтлари фақат артикуляция ва дикцияни ишлатган ҳолда олиб боришга бўлса, эндиликда ҳаракат ва ҳолат билан бирга

ҲАЁТ — ТОМОША ЭМАС

Театр — маънавий ва маданий савияни юксалтирувчи даргоҳ. Шу маънода уни жонли кўзгуга қиёслаш мумкин. Саҳнада ўзимизни, феъл-атворимиздаги камчиликларни, атрофимиздаги воқеалар ва турфа хил инсонлар қиёфаларини очик-ойдин кўрамиз, маълум маънода улардан ибрат оламиз. Пойтахтимиздаги Ўзбек давлат драма театри ана шундай олижаноб вазиёни сидқидилдан адо этиб келаётган даргоҳлардан. Театрнинг етакчи актёрларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, театр труппа раҳбари Хошим АРС-ЛОНОВ билан жамоадаги ижодий жараён, келгуси режиссурасида суҳбатлашдик.

— Мавсум бошланганига ҳам анча вақт бўлиб қолди. Айтинг-чи, янги мавсумда жамоа репертуарида қандай янгиликлар кўзда тутилган?

— Ўтган мавсумда театримизда ижодий жараён унумли кечиб, учта спектакл премьерасини ўтказишга муваффақ бўлган эдик. Булар «Чаробон»-лар (Шароф Бошбеков), «Зулматдан нур» (Абдулла Авлоний) ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили»га бағишланган Шуҳрат Қаҳҳор асари асосидаги «Илҳақ» спектаклидир. Шунингдек, болалар учун «Конфетойнинг саргузаштлари» спектаклини ёш томошабинларимиз яхши кутиб олишди.

Янги мавсумда кўпроқ жаҳон ва ўзбек мумтоз адабиётига мурожаат қилимиз. Жумладан, Алишер Навоий бобомизнинг «Сабъий сайёр» ҳамда Чингиз Айтматовнинг «Мангу қайлик» асарлари асосидаги спектакллари саҳналаштиришга киришдик. Насиб бўлса, март ойларида ҳар иккала асарни томошабинлар эътиборига ҳавола этамиз. Бугун аср вабосига айланган гиёҳвандлик иллатининг аянчли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи спектакл устида иш бошланганимиз. «Гуруч» номи бу спектакл ёш ижодкор Сардор Ҳамроев сценарийси асосида саҳналаштирилган. Репертуаримизда комедия жанрида ҳам яхши томошалар бўлишига ҳаракат қилимиз. Ёш томошабинларга «Янги йил саргузаштлари» спектаклини тақдим этиш ниятидамиз.

Шу ўринда жамоамизда ёш истеъоддорлар билан ишлашга эътибор берилаётганини айтмоқчи эдим. Театримизнинг асосий таркибини ёшлар ташкил қилади. Биз ҳам бир вақтлар ёш бўлганмиз ва устозларимиздан ўрганганмиз. Ҳозир ҳам ўрганишда давом этаймиз. Бугун ана шу аъёнани давом эттирган ҳолда ёшлар билан имкон қадар кўпроқ ишлашга ҳаракат қилимиз. Репертуаримиз ҳам айнан ёшларбоп мавзулар асосида шаклланмоқда.

— Сиз театрдан ташқари, кино ва дубляжда ҳам унумли фаолият олиб борасиз. Репертуардаги бандлик, труппа раҳбарлиги ва бошқа ижодий ишлар чарчатиб қўймаётими?

Юқори малакали педагог кадрларни янада уларнинг фаолияти савиясини кўтариш, ўқитишнинг инновацион технологияларини кенг омаллашти-

«Энг яхши педагог-тадқиқотчи» номинацияси бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижаларини таълим-тарбия жараёнига жорий

маданият институтининг ўндан ортик профессор-ўқитувчилари дастлабки босқичда «Санъат» соҳаси бўйича ўрта номинацияда иштирок этишди. Ну-

Танлов

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

риш, педагогик фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш, олий таълим муассасалари педагогларини рағбатлантириш ва маҳоратини ошириш мақсадида «Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги» танлови эълон қилинган.

Танлов учта номинация асосида йиғирма беш таълим соҳаси бўйича ўтказилди. «Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог» номинациясида иштирокчиларнинг ўқитиш методикаси,

этиш бўйича эришган ютуқлари, «Инновацион ва ахборот технологияларини қўлайдиган энг яхши педагог» номинацияси бўйича иштирокчиларнинг замонавий педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим-тарбия жараёнида самарали қўллаш қаби жиҳатлар баҳоланди.

Мазкур танлов икки босқичда, яъни дастлаб олий таълим муассасаси бўйича, сўнгра республика босқичларида ўтказилди. Ўзбекистон давлат санъат ва

маданият институтининг ўндан ортик профессор-ўқитувчилари дастлабки босқичда «Санъат» соҳаси бўйича ўрта номинацияда иштирок этишди. Ну-

фузли ҳакамлар ҳайъати қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг «Чолғу ижрочилиги» кафедраси муdiri, профессор Ў.Тошматовни «Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог», «Эстрада ва оммавий томошалар санъати» кафедраси доценти в.б. Ж.Мамайтқосимовни «Энг яхши педагог-тадқиқотчи» сифатида голиб деб топди.

Ў.Тошматов ва Ж.Мамайтқосимов ўз йўналишлари бўйича танловнинг республика босқичида ҳам голибликни қўлга киритишди.

Умида ҲАСАНОВА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг тўққиз ой якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши аъзолари, бирлашма ходимлари, устоз санъаткорлар ҳамда мусиқашунос профессор-ўқитувчилар қатнашди.

Кенгаш раиси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Маданият ва спорт ишлари вазири Баҳодир Аҳмедов миллий эстрада санъатидаги бугунги муаммолар билан боғлиқ танқидий фикрларни ўртага ташлашди. Хусусан, қўшиқлар матнидаги саёзликлар, клиплардаги миллий менталитетимизга ёт қўринишлар жиддий айтиб ўтилди.

Бирлашма Бош директори вазиёсини бажарувчи Муроджон Мажидовнинг ҳисоботи тингланди. Ягона Бадиий кенгашчи ташкил этиш бўйича, профессионал малакага эга бўлмаган ёш ижрочиларни қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш, санъаткорлар учун ўтказилаётган "Маънавият соатлари"ни доимий равишда ўтказиш, амалга оширилган ишлар ҳақида бир ой муддатда Кенгашга ахборот киритиш ҳақида келишиб олинди.

Шунингдек, ёш ижрочиларни "оммавий маданият" таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида "шоир-бастакор-иҷрочи" ижодий уюлтиги ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, иқтидорларини кашф этишга қаратилган қўриқ-танловлар уюштириш, эстрада хонандаларини Ўзбекистон санъат ва маданият институтининг малака ошириш марказида ўқитиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Музаффар САЙФУЛЛАЕВ,
"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Матбуот хизмати

Бетховен асарлари янгради

Ўзбекистон давлат консерваториясида буюк немис композитори Людвиг ван Бетховен таваллудининг 245 йиллиги муносабати билан концерт кечаси бўлиб ўтди. Кечада бетакор композитор ижодида мансур фортепиано учун ёзилган барча асарлар ижро этилди. Мазкур ижод намуналари Ўзбекистонда илк бор тўлиқ ҳолда тингловчиларга тақдим этилди.

"Фортепиано учун концерт"ларнинг биринчи ва иккинчи қисмини композиторнинг ёшлиги билан таққосласа бўлади. Унда ёшликка хос қувноқлик ва жўшқинлик акс этади. Минор пардасида ёзилган 3-қисмда композиторнинг эшитиш қобилиятини йўқотиши билан боғлиқ ҳодисалар акс этган. Асарнинг 4-қисми бошқаларига нисбатан лирик хусусиятга эга. "Император" номи 5-қисм Бетховен ижодининг қўққиси ҳисобланади. Бу қисм ижодкорнинг хасталиги айни авж олган паллада ёзилган ва унинг қалб кечинмалари, изтироблари мусикада ёрқин акс эттирилган.

Барча асарлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дирижёр Камолитдин Ўринбоев раҳбарлигидаги Миллий симфоник оркестр ҳамда халқаро танловлар лауреати, таниқли пианиночи Сайёра Фафурова томонидан юксак маҳорат билан ижро этилди.

Сурайё БЕРДИМУРОВА



ҚАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ

Пойтахтимиздаги Санъат музейида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли рассом Ортиқали Қозоқовнинг "Ёрқин қадриятлар тараннуми" номли кўргазмаси очилди. Экспозициядан муаллифнинг рангтасвирга оид турли мавзудаги ижод намуналари ўрин олган. Полотноларда рассомнинг юртимизга чексиз меҳр-муҳаббат, азалий қадриятлар давомийлиги нафис шакллари уйғунлигида матоларга муҳланган. "Суллола", "Шодлиқда ҳам ёнма-ён", "Қарилик гашти", "Бахт карвони" "Ёшариш айёми", "Куз шўхуи" асарлари, "Би-бихоним", "Гавҳаршодбегим" портретларида, "Анор оғушида" ва "Буюк ипак йўлларида" сингари туркумларида тарих ва замон ҳамнафаслиги акс этган. О.Қозоқов мамлакатимиз ва хорижий давлатларда бўлиб ўтайдиган кўргазмаларнинг мунтазам иштирокчиси. Унинг энг сара асарлари Туркия, Америка, Россия, Қозоғистон каби давлатларнинг галереяларида ҳам сақланади. Ижодкорнинг ҳисобот тарзидаги мазкур кўргазмаси уч ой давом этади.

Нигоҳ

САҲНА СЕҲРИ

замонавий шакллар ва ғоялар орқали жамиятдаги маданий ўзгаришларни ўзида муҷассам этган асарлар намойиш этилди. Шухрат Ниёзовнинг "Гирдоб", Моҳира Жуманиёзованинг "Қаноат", Жалолиддин Раҳимов ва Сарвар Йўлдошевнинг "Тақдир дарахти", Музаффар Йўлчибоевнинг "Ажратиш" сингари замонавий йўналишда-

ги асарлари томошабинларни мушоҳадага чорлайди. Сухроб Йўлчибоевнинг "Мангуликка буюк йўл" асарида акс этган Шарқ ва Ғарб фалсафасининг уйғунлиги кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Мария Сошина, Даврон Ражабов, Надежда Ли, Виктория Ким ва бошқа ижодкорларнинг асарлари ҳам муҳлисларга манзур бўлди.

Мазкур кўргазма таниқли театр рассомлари Шухрат Абдумаликов ва Татьяна Фадеева лойиҳаси асосида ташкил этилди.

С.ҚОСИМОВА

Бошланиши учинчи саҳифада.

— Мен шу ишни қилишим керак...
— Нима деяпсиз? Нимани қилишингиз керак? Мени кўрқитманг. Нега ранг-руйингиз ўзгарди? Мазангиз қочдимми-а? Вой, ўлай, менга қаранг, — Сарви ҳола ўрнидан сапчиб туриб эрининг пешона-сидан ушлади, беихтиёр унинг кўллари-ни уқалай бошлади. Дағал ва бадфёъл чолнинг туйқус юмшаб, одам сирасига қайтиб қолгани Сарви ҳолани баттар эсанкиратиб қўйди. Чиноқ тепасида минг айланади, минг ўргилиб потирлаётган хотинига боқиб жимлайди.

— Сарви... Кўрқма... қўшининг кенжасига айт, Наби каттани чақириб келсин. Сен, ўзинг ошга урин. Мен бироз ухлайн, бор кампир, бор.

Чиноқ ухлай олмади. Ўзини ухлаганга солиб ётди.

...Хар кунни хаёлида жонланадиган манзара: Отаси уни гира-шира тонг пайти уйғотади. Пахтадалани кесиб ўтган ўқариқни қоплаган ажриқзорни шудринг босган. Тик ахтак, тик иштон кийган ялан-гоёқ болақай дилдираб ота ортидан эрга-шади. Улар йўл четидаги тепалик ёнида тўхташади. Ота тиз чўқади.

— Утир, — дейди ўғлига.

Ўғил чўк тушади.

Ота тиловат қилади.

Отанинг кўзларидан дув-дув ёш оқади.

Отанинг кўнглидан ув-ув ёш оқади.

— Ўғлим, — дейди ота овози қалтираб,

— отанинг икки акасини қизил аскарлар шу ерда отишган. Уларни "босмачи" дейишган. Лекин, лекин ҳеч кимнинг ери-ни босиб олмаган. Ҳа, икки бобонгнинг қони шу ерда тўкилган. Уч кунгача уларнинг жасади шу жойда қолган...

Ота-бола тонг саҳар яна изига қайтишади. Ялангоёқ болақай намчил ўт-ўланларни оралаб ота изидан дилдирабгина эргашади. Ота ўзигами, ортидан келаётган ўн яшар ўғлигами, оғринибгина гапираверади:

— Шундай гаплар, ўғлим. Отам бир умр кўрқиб яшади. Шу ерни — шахид боболаринг ётган жойни девор билан ўраб қўйиш

қўлидан келмай, армонда кетди.

— Ота, ота, биз-чи, биз ўраб қўйлик бўлмаса...

— Э-ҳ, шундай дейсан-да, лекин мумкинмас-да...

— Нега?

— Кўй, сўрама. Жим юр!

— Ота, катта бўлсам, мен албатта, шу жойни девор билан ўраб қўяман...

Ота оғир хўрсиниб, елка учиради, ўғил неча шугина жойга девор тортиб бўлмаслигини тушунолмай отанинг кўнглига қараб жим боради...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Бадий академияси
Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани
худудида ўзбек халқининг буюк фарзанди, улут
аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек
хотирасига янги ёдгорлик мажмуаси
лойиҳасини яратиш бўйича
танлов эълон қилади.
Танлов шартлари:

Мирзо Улуғбек ҳақидаги ҳаққоний тарихий-илмий маълумотлар асосида буюк аждодимизнинг тўлақонли сиймосини яратиш, таъсирчан бадий-эстетик, руҳий-фалсафий воситалар, тасвирий усуллар орқали унинг улут мутафаккири, астроном, математик, тарихчи, Соҳибқирон Амир Темурнинг муносиб авлоди сифатидаги фазилатларини ёрқин акс эттириш, мазкур мажмуани теран мазмунга эга бўлган монументал санъат асари даражасига етказиш талаб қилинади.

Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган барча профессионал ҳайкалтарошлар қатнашиши мумкин.

Лойиҳа эскизларининг ўлчами ва уларнинг қандай материалдан тайёрланиши муаллифларнинг ихтиёрига ҳавола қилинади.

Танлов ҳайъати томонидан ғолиб деб топилган энг яхши лойиҳа муаллифига мазкур ҳайкал-композицияни яратиш устида ишлаш ҳуқуқи берилади.

Зарур маълумотларни

Ўзбекистон Бадий Академиясидан олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани,
С.Азимов-35. Тел.: 232-06-75

ЗУККО КИТОБХОН

Республика мусиқа ва санъат академик лицейида "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир" шиори остида анъанавий "Зукко китобхон" танлови бўлиб ўтди. Танловда лицейнинг 7-синф ўқувчиларидан ташкил топган "Мезон", "Тафаккур", "Фикрат" жамоалари

"Зукко китобхон" ижодий албомини тайёрлаш, "Номалум асар", "Ифодали ўқиш" ва "Савол-жавоб" каби шартлар доирасида ўзаро беллашдилар. Қизгин тортишувларга бой бўлган беллашувда "Фикрат" жамоаси ғолиб топилди. Тадбир давомида айтилган фикр-мулоҳазалар, янграган куй-қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шоҳсанам ИСОҚЖОНОВА

— Билганингизни қилинг, бова. Шунга шунча гавго кўтарасизми-а? Томорқамни бераман, деб иддао қиласиз тагин.

Чиноқ маюс жимлайди. Ҳовури босилди. Охишта белёнбош бўлиб ўтирди... Ўрнидан турмоқчи бўлди. Дўхтир қўлтиғидан кирди. Чиноқ мувозанатини ушлаб тик бўлди.

— Агар шу қафтдайгина, сен мол боғлаб қўйган жойинг атрофини ўраб қўйсан, ҳукумат, катталар ҳеч нарса демайди-а?

— Йўқ. Ҳеч нарса дейишмайди. Сиз учун мумкин, бова.

— Ундай бўлса кетдик, болам.

— Қаёққа?

— Ўша жойга... Бир-икки бўз бола-ни топиб ҳашар қиламиз, девор ура-миз, — деди Чиноқ юзига табассум ёйилиб.

— У қўшдай енгил тортиб бор-моқда эди.

— Бова, ўзим қиламан. Пойдевор қуйиб, бетонғишт билан чиройий қилиб ўраб қўяман, — деди Наби катта.

Чол Наби каттанинг юзига синовчан тикилди.

— Ерни бетонғишт билан ўраганингдан сўнг, деворинг бир бурчагига оқ ялов ҳам илиб қўй, болам, — деди зўрга.

Наби катта сесканди, аззойи бадани жимирлаб кетди. Чолга термулиб қолди. Ниманидир сезгандай бўлди.

— Майли, боважон, майли, — деди овози қалтираб.

Чол оғир ютиниб, супанинг бир четига омонатгина ўтирди. Ичидан ўқирикли бўрон кўтарилди. Сўнг кўз ёшларини тўхта-толмади.

Қ.НОРҚОБИЛ 1968 йилда туғилган. ЎзМУнинг журналистика факультетини тамомлаган. "Қафтимдаги қизғалдоқ", "Хосиятли дунё", "Дераза раҳидаги гул", "Дарё ортидаги йиғи", "Қулиб тур, азизам" сингари ўндан зиёд шеър, насрий китоблар муаллифи.

"Муштум" журнали жамоаси журналистнинг фахрийси
Олим ҚўЧҚОРБЕКОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Абдунаби Ҳамроёвга оғаси **НОРЖОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Юнон маъбудаси ва Олга Токарчук



Бугунги поляк адабиётининг машҳур намоёндаларидан бири, адиба ва шоира Олга Токарчук (1962 й.) Варшава университети руҳиятшунослик бўлимида тахсил олган. Ижодини шеър ёзишдан бошлаган бўлса-да, "Китоб одамлари йўли", "Правек ва бошқалар замони", "Сўнгги тарих", "Чопқирлар" романлари билан шухрат қозongan. "Қундузги уй, тунги уй" романи учун 1997-1999 йилларида Косцелскийлар фонди ва "Нике" мукофотларига сазовор бўлган. "Сўнгги тарих" романи учун 2008 йили ҳам шу мукофот билан тақдирланган. Унинг "Яков ҳақида дoston" номли янги романи йилнинг энг яхши китоби деб эътироф этилиб, адиба 2015 йилги "Нике" мукофотиغا сазовор бўлди. 1997 йили Agora фонди ва Gazeta Wyborcza нашри таъсис этган "Нике" мукофоти соҳибига 100 минг злотий миқдорида пул ҳамда юнон маъбудаси Нике ҳайкаласи тақдим этилади.

Нобель мукофотида номзод



Замонавий португал адиби Антониу Лобу Антунеш (1942 й.т.)нинг "Фил хотираси" романи воқеалари "Улисс" романидагидек, бир куннинг ўзида кечади. Яқинда кенг китобхонлар оммасига тақдим этилган асар қаҳрамони ўрта ёшлардаги ёлғиз врач бўлиб, уни оила инқироzi ташвишга солади... А.Антунеш Лиссабон ҳарбий тиббиёт академиясида ўқиб, Анголадаги госпиталлар, Германия ва Бельгия шифохоналарида фаолият олиб борган, болалар учун кўплаб китоблар ёзган. Лиссабонга қайтиб ўзини тўла ижодга бағишлаган адибининг "Мемория де Элефанте" романи доврқ қозониб, нуфузли мукофотларга сазовор бўлади. Унинг "Ҳамма гапирса, мен нима қилай" номли романи ҳам кўп бор эътироф этилган.

Адиб Португалиянинг энг нуфузли Сантьяго-Меносец ордени билан тақдирланиб, Европанинг адабиёт соҳасидаги, шунингдек, Пабло Неруда, Хуан Рульфо, Камюэнс, Овидея, Россалии ле Кастро каби кўплаб халқаро мукофотларга сазовор бўлган. 1990 йилдан буён бир неча бор номзоди Нобель мукофотида қўйилган. А.Антунеш Уильям Фолкнерни устоз ҳисоблайди. Фолкнернинг "Шовқин ва ғазаб" романи таржимасига сўзбоши ҳам ёзган.

Мюриэл Спарк ва шотландлар



Машҳур инглиз адибаси, Британия империяси ордени соҳиби Мюриэл Спарк (1918-2006)нинг "Таскин берувчилар" романи жозибадор эрқин руҳи, ҳазилона-детектив сюжети билан китобхонларга манзур. "Франкенштейн", "Аббатис Крус-кой", "Безовта қилманг", "Симпозиум", "Атайин кечикиш", "Ҳайдовчи ўрни" каби йиғирмадан ортиқ асарларида буржуа жамиятига хос иллатларнинг одамлардаги софлик, беғуборлик туйғуларини билан тўқнашувни тасвирлаган. Адиба 1997 йили Дэвид Козн мукофотида сазовор бўлиб, асарлари мактаб ҳамда олий таълим дарсликларига киритилган. Унинг "Жин Броуди хонимнинг гуллаган даври" романи халқаро кўламада доврқ қозониб, шу асосда саҳна асари яратилган, бадий филм ва олти қисмли телефилм суратга олинган. Шотландияда М.Спарк ижоди миллий маданий бойлик сифатида қадрланади. Адибанинг "Таскин берувчилар" романи Шарқий Европа тилларида ҳам чоп этилмоқда.

"Шимол ёғдуси" серияда айланмади



Британиялик машҳур болалар адиби Филип Пулманнинг "Шимол ёғдуси" трилогиясига кирган фантастик жанрдаги асарлар қирқдан ортиқ жаҳон тилларига таржима қилиниб, 17,5 миллион нусхадан кўпроқ сотилган. Трилогия романилари Лира исмли қизчанинг ёндош одамлардаги саргузаштлари, турли афсонавий махлуқлар билан учрашувлари ҳақида ҳикоя қилади. 2007 йили трилогиянинг биринчи китоби воқеалари асосида "Олтин компас" фильми экранларга чиқарилган эди. Эндиликда Британиянинг телеканали учун мазкур асар асосида сериал яратишга киришилди.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзил: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахририятга келган қўйғамалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.45

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 4118 Буюртма S — 4329. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Навр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАРАИ
ЧИҚАДИ.

СОҒУДА НАРҲИ
ЭРКИН.

ISSN 2183-614X

7 7 2 1 8 1 6 1 4 0 0 0